

# БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

## Фотимаи Захро (с.а)дан ривоят қилинган ҳадислар тўплами

Икки олам аёлларининг сарвари, Аллоҳ таолонинг танлаган хос бандалари бўлмиш ўн тўрт маъсумнинг учинчиси, Сарвари оламнинг нури дийдалари ва жигар гўшалари, Маҳшар кунининг шафоатчиси бўлган ҳазрати Сиддиқаи Тоҳира Фотима Захро *(саломуллоҳи алайҳо)*нинг шаҳид бўлганликлари айёми муносабати билан ул ҳазратга бўлган муҳаббатимиз ҳамда иймон ва эътиқодимизни изҳор этиб, қиёмат кунда ул зотнинг шафоатига ноил бўлиш умидида ул ҳазратдан ривоят қилинган ўта қимматли ҳадисларни сиз азизларга тақдим этамиз ва ушбу нуроний ҳадислар руҳимиз, қалбимиз ва қолаверса бутун вужудимизни ёритиб, хидоят ва нажот сари етаклайдиган ҳаётимиз чироғи бўлади деб умид қиламиз:

### 1. Аҳли-Байтнинг Аллоҳ таоло наздидаги мавқеи ва шаъну- мартабаси ҳақида

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءِ (سَلَامُ اللَّهِ عَلَيْهَا): «وَاحْمَدُوا الَّذِي لِعَظَمَتِهِ وَنُورِهِ يَبْتَغِي مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ إِلَيْهِ الْوَسِيلَةَ، نَحْنُ وَسَيَلَتُهُ فِي خَلْقِهِ، وَنَحْنُ خَاصَّتُهُ وَمَحَلُّ قُدْسِهِ، وَنَحْنُ حُجَّتُهُ فِي غَيْبِهِ، وَنَحْنُ وَرَثَةُ أَنْبِيَائِهِ».

Ҳазрати Фотимаи Захро *(саломуллоҳи алайҳо)* айтадилар:

«Осмонлару ерда бўлган кишилар Унинг томон васила излайдиган Аллоҳга Унинг буюклиги ва нури учун ҳамду санолар айтнинг. Биз Пайгамбар Аҳли-Байтлари Худонинг Ўз яратганлари орасида Унинг василаси ва воситасимиз, биз Аллоҳнинг танлаган хос бандалари ва Унинг муқаддас маконимиз, биз Унинг зойибдаги ҳужжати ва йўл кўрсатувчисимиз ва биз илоҳий пайгамбарларнинг ворисларимиз».

**Манба:** Ибн Абул Ҳадид, «Шарҳи Наҳжул Балоға», 16-жилд, 211-бет.

**2. Ҳазрати Фотимаи Захро *(саломуллоҳи алайҳо)* мўъминлар амири ва тақволилар сардори Али *(алайҳис салом)*ни таниттириб шундай марҳамат қиладилар:**

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): وَهُوَ الْإِمَامُ الرَّبَائِيُّ، وَالْهَيْكَلُ التُّورَانِيُّ، قُطْبُ الْأَقْطَابِ، وَسَلَالَةُ الْأَطْيَابِ، النَّاطِقُ بِالصَّوَابِ، نُقْطَةُ دَائِرَةِ الْإِمَامَةِ، وَأَبُو بُنَيْهِ الْحَسَنُ وَالْحُسَيْنُ الَّذِينَ هُمَا رَجَائِي رَسُولِ اللَّهِ سَيِّدِي شَبَابِ أَهْلِ الْجَنَّةِ

«У илоҳий ва раббоний пешводир, нур ва ёрузлик тимсолидир, барча мавжудотлар ва орифларнинг қутби (диққат маркази)дир, покларнинг сулоласидан бўлиб, ҳақиқатни айтувчи ва ҳидоятчидир. У имомат ва раҳбарликнинг маркази ва меҳваридир. Али Расулуллоҳнинг икки Райҳон гули, ўғиллари ҳамда жаннат аҳли ёшларининг Саййиду-Сарвари бўлмиш Ҳасан ва Ҳусайннинг отасидир».

**Манба:** Забийхуллоҳ Маҳаллотий, «Райоҳинуш-Шариъаҳ», 1-жилд, 93-жилд.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: أَتَيْتُ فَاطِمَةَ صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهَا، فَقُلْتُ: أَيْنَ بَعْلُكِ؟ فَقَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): عَرَجَ بِهِ جِبْرَائِيلُ إِلَى السَّمَاءِ، فَقُلْتُ: فِيمَاذَا؟ فَقَالَتْ: إِنَّ نَفْرًا مِنَ الْمَلَائِكَةِ تَشَاجَرُوا فِي شَيْءٍ، فَسَأَلُوا حَكَمًا مِنَ الْأَدَمِيِّينَ، فَأَوْحَى اللَّهُ إِلَيْهِمْ أَنْ تَتَخَيَّرُوا، فَاخْتَارُوا عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ (عَلَيْهِ السَّلَامُ).

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: Бир куни Фотимаи Заҳро ёнларига келиб, Эрингиз қаерда? Дедим. Шунда ул ҳазрат: «*Жаброил (алайҳис салом) билан бирга осмонга кўтарилдилар*», дедилар. Мен: «*нима иш билан?*», дедим. Ул зот жавобан дедилар: «*Бир гуруҳ фаришталар бир нарса хусусида ўзаро тортишиб қолганлар. Шунинг учун одамлардан бирор ким улар ўртасида ҳукм қилишини сўрашган. Шунда Аллоҳ таоло уларга: «ўзингиз бирор кишини танланглар», деб ваҳий қилган. Шунда улар Али ибн Абу Толибни (а.с) танладилар*».

**Манба:** Шайх Муфид, «Ал-Ихтисос», 213-бет; Аллома Мажлисий «Бихорул Анвор», 37-жилд, 150-бет, 15-ҳадис.

Яна ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) бу борада айтадилар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): أَبُو هَذِهِ الْأُمَّةِ مُحَمَّدٌ وَعَلِيٌّ، يُقِيمَانِ أَوْدَهُمْ، وَيُنْقِذَانِهِمْ مِنَ الْعَذَابِ الدَّائِمِ إِنْ أَطَاعُوهُمَا، وَ يُبْسِحَانِهِمُ النَّعِيمَ الدَّائِمَ إِنْ وَاقَفُوهُمَا.

«Муҳаммад ва Али бу умматнинг отасидилар, у иккала зот умматнинг огишларини тўғрилайдилар ва уларни абадий азобдан қутқарадилар, агар

улар [Ислом уммати] бу икки йўлбошчига бўйсунсалар ва бу иккала зотга ҳамроҳлик қилсалар, уларни жаннатнинг абадий неъматига етказдилар».

**Манба:** Тафсири имом Ҳасан Аскарӣй (алайҳис салом) 330-бет, 191-ҳадис; Аллома Мажлисий «Биҳорул Анвор», 23-жилд, 259-бет, 8-ҳадис.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг пешво ва раҳбар эканликлари ҳақида айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: إِنَّ النَّبِيَّ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَ: «مَنْ كُنْتُ وَلِيَّهُ فَعَلِيٌّ وَلِيُّهُ، وَمَنْ كُنْتُ إِمَامَهُ فَعَلِيٌّ إِمَامُهُ».

«Пайгамбар (саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: Мен кимнинг валийси бўлсам, демак, Али унинг валийсидир ва мен кимнинг раҳбари бўлсам, бас Али ҳам унинг раҳбаридир».

### **3. Мўъминлар амири ва тақволилар сардори Али (алайҳис салом) Ислом умматининг энг доноси ва биринчи бўлиб Исломни қабул қилган кишидир.**

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): زَوْجُكَ أَغْلَمُ النَّاسِ عِلْمًا، وَ أَوْفَهُمْ سَلْمًا، وَ أَفْضَلُهُمْ حِلْمًا.

«Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга айтдилар: Сенинг эринг илм жиҳатидан одамларнинг энг билимдони, Исломни танлашда уларнинг биринчиси ва сабру-матонатда уларнинг энг афзалидир».

**Манба:** Аллома Мажлисий «Биҳорул Анвор», 38-жилд, 19-бет, 36-ҳадис.

### **4. Холисона ибодатнинг натижаси ҳақида**

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): مَنْ أَصْعَدَ إِلَى اللَّهِ خَالِصَ عِبَادَتِهِ، أَهْبَطَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ لَهُ أَفْضَلَ مَصْلَحَتِهِ.

«Кимки ўзининг холисона ибодатини Аллоҳ таоло томон юқорига йўлласа, Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг энг яхши маслаҳатини унинг учун тушургай».

**Манба:** Аллома Мажлисий «Биҳорул Анвор», 67-жилд, 249-бет, 25-ҳадис ва шунингдек, ушбу китобнинг 70-жилд, 249-бет; «Танбиҳул Хавотир», 108 ва 437-бетлар.

## 5. Ҳақиқий бахт-саодат ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): هَذَا جَزَائِلُ (عَلَيْهِ السَّلَامُ) يُخْبِرُنِي: إِنَّ السَّعِيدَ كُلَّ السَّعِيدِ، حَقَّ السَّعِيدِ مَنْ أَحَبَّ عَلِيًّا فِي حَيَاتِي وَبَعْدَ وَفَاتِي.

«Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар: Бу Жаброил (алайҳис салом) менга хабар бериб деди: Ҳақиқатан ҳам бахтли, буткул бахтли ва ҳақиқий бахтли Алини мени ҳаётимда ва ўлимимдан кейин севадиган кишидир».

**Манба:** Ибн Абул Ҳадид Мўътазилий, «Шарҳи Наҳжил Балоға», 2-жилд, 449-бет; Али ибн Абу Бакр ал-Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид», 9-жилд, 132-бет.

## 6. Аҳли-Байт издошлари бўлган шиаларнинг кечирилишини сўраш ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): اِهْيَ وَسَيِّدِي، أَسْأَلُكَ بِالَّذِينَ اصْطَفَيْتَهُمْ، وَبِبِكَاءِ وَلَدِي فِي مُفَارَقَتِي، أَنْ تَغْفِرَ لِعَصَاةِ شِيعَتِي وَشِيعَةِ ذُرِّيَّتِي.

«Эй Худойим ва Сарварим, Сен танлаган зотлар [пайгамбарлар] ҳақи ҳурмати ила ва менинг айрилигимда йиглаган икки фарзандим Ҳасан ва Ҳусайнларнинг кўз ёши ҳақи ҳурмати-ла Сендан менинг шиаларим ва зурриётим шиаларининг гуноҳкор кишиларини кечиришингни сўрайман».

**Манба:** Муҳаммад Даштий «Наҳжул Ҳаёт», 148-бет; Шайх Махдий Ҳоирий Мозандароний, «Ал-Кавкабуд-дурриййу фий аҳваалин-Набиййи вал-Батули вал-Васий», 1-жилд, 254-бет.

## 7. Аҳли-Байт издошларининг жаннат аҳлидан эканликлари хақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): شِيعَتُنَا مِنْ خِيَارِ أَهْلِ الْجَنَّةِ وَكُلُّ مُحِبِّينَا وَمُؤَايِ أَوْلِيَانِنَا وَمُعَادِي أَعْدَائِنَا وَالْمُسْلِمِ بِقَلْبِهِ وَلِسَانِهِ لَنَا.

«Бизнинг шиаларимиз жаннат аҳлининг энг яхши кишиларидир ва бизни севадиганларнинг ҳаммаси, дўстларимизнинг дўстлари ва душманларимизнинг душманлари жаннатда бўлгайлар. Қалби ва тили билан Биз Аҳли-Байтга таслим бўлганлар ҳам жаннатийдирлар».

Яна ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) бу борада айтадилар:

عَنْهَا (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: «إِنَّ أَبِي (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) نَظَرَ إِلَى عَلِيٍّ (عَلَيْهِ السَّلَامُ) وَقَالَ: هَذَا وَشِيعَتُهُ فِي الْجَنَّةِ».

«Отам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Али (алайҳис салом)га қараб: «Бу ва унинг издошлари жаннатдадирлар»,- деб марҳамат қилдилар».

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْهَا (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) قَالَ لِعَلِيِّ (عَلَيْهِ السَّلَامُ): يَا أَبَا الْحَسَنِ أَمَا إِنَّكَ وَشِيعَتُكَ فِي الْجَنَّةِ.

«Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Али (алайҳис салом)га дедилар: Эй Аббул Ҳасан, огоҳ бўлгинки, сен ва сенинг издошларинг жаннатдасиз».

**Манба:** Аллома Мажлисий «Биҳорул Анвор», 68-жилд, 155-бет, 11-ҳадис; Муҳаммад Даштий «Наҳжул Ҳаёт», 206-бет.

## 8. Шиаларнинг ҳақиқий сиймоси ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) каломлари кўзгусида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

إِنْ كُنْتَ تَعْمَلُ بِمَا أَمَرْنَاكَ وَتَنْتَهِي عَمَّا رَجَرْنَاكَ عَنْهُ فَأَنْتَ مِنْ شِيعَتِنَا وَإِلَّا فَلَا

«Агар биз Аҳли-Байт сенга буюрган нарсаларни бажарсанг ва биз қайтарган нарсалардан сақлансанг, унда сен бизнинг шиаларимиздан-издошларимиздансан. Акс ҳолда зинҳор шиа эмассан!»

**Манба:** Забийҳуллоҳ Маҳаллотий, «*Райоҳинуш-Шариъаҳ*» китоби, 1-жилд, 93-жилд, Муҳаммад Даштий, «*Наҳжул Ҳаёт*» китоби, 206-бет, Имом Ҳасани Аскарий *(алайҳис салом)*нинг тафсир китоблари, 320-бет, 191-ҳадис.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро *(саломуллоҳу алайҳо)* айтадилар:

وَالْمُسْلِمُ بِقَلْبِهِ وَ لِسَانِهِ لَنَا لَيْسُوا مِنْ شِيعَتِنَا إِذَا خَالَفُوا أَوْامِرَنَا وَ نَوَاهِينَا فِي سَائِرِ الْمُؤَبَقَاتِ

«Биз Аҳли-Байтга қалби ва тили билан таслим бўлган киши агар буйруқларимизга ва барча ҳалокатларга оид тақиқларимизга [амали билан] қарши чиқса, у бизнинг ҳақиқий шиаларимиздан эмасдир».

**Манба:** Муҳаммад Даштий «*Наҳжул Ҳаёт*», 207-бет.

## 9. Ҳазрати Фотимаи Заҳро *(саломуллоҳу алайҳо)*нинг хижоблари ва иффат-хаёлари ҳақида

اسْتَأْذَنَ اَعْمَى عَلِي فاطمة (عليها السلام) فَحَجَبَتْهُ، فَقَالَ رَسُولُ اللهِ (صلى الله عليه وآله وسلم) لها: لِمَ حَجَبْتِهِ وَهؤلاء يراك؟ فَقَالَتْ (عليها السلام): «يا رسول الله ان لم يكن يراني فاني اراه، وهو يشم الريح». فَقَالَ رَسُولُ اللهِ (صلى الله عليه وآله وسلم) «أشهد أنك بضعة مني».

«Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* билан бирга келган бир кўзи ожиз киши ҳазрати Фотимадан *(саломуллоҳу алайҳо)* уйга киришга изн сўради. Ўша заҳоти Фотима *(саломуллоҳу алайҳо)* ундан ўзларини буткул ёпдилар. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимага: «Нега ундан ўзингни беркитдинг, у сени кўрармиди?», дедилар. Ҳазрати Фотима *(саломуллоҳу алайҳо)*: «Эй Аллоҳнинг Расули, агарда у мени кўрмаса ҳам, бироқ мен уни кўраман ва у аёлнинг ҳидини сезади», деб жавоб бердилар. Шунда Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ўз қизларининг сўзини эшитиб: «Гувоҳлик бераманки, сен менинг вужудимнинг бир бўлагисан», деб марҳамат қилдилар.»

**Манба:** Аллома Мажлисӣ, «*Биҳорул Анвор*», 43-жилд, 91-бет; Ибн Абул Ҳадид Мўътазилий, «*Шарҳи Наҳжил Балога*», 16-жилд, 211-бет.

**10. Ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳи алайҳо) муҳожирлар ва ансорларга қарата Масжидун-Набийда ирод этган «Фадкия» номли машҳур ва узун хутбаларида айрим шариат аҳкомларининг сабаб ва ҳикматларини айтиб шундай марҳамат қилганлар:**

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) فِي حُطْبَتِهَا الْمَعْرُوفَةِ:

جَعَلَ اللَّهُ الْإِيمَانَ تَطْهِيرًا لَكُمْ مِنَ الشِّرْكِ:

Аллоҳ таоло сизларни ширкдан поклаш учун иймон-эътиқодни муқаррар қилди.

وَالصَّلَاةَ تَنْزِيهًا لَكُمْ مِنَ الْكِبْرِ:

Ва сизларни ҳар қандай кибр-ҳаво ва катталикдан узоқлаштириш учун намозни фарз қилди.

وَالزَّكَاةَ تَرْكِيَةً لِلنَّفْسِ وَنَمَاءً فِي الرِّزْقِ:

Закот [ва хумсни] эса жонни поклаш ва ризқни зиёда қилиш учун фарз қилди.

وَالصِّيَامَ تَثْبِيثًا لِلْإِخْلَاصِ:

Ихлос ва холисликни [одамларда] ўрнатиш учун рўзани фарз қилди.

وَالْحَجَّ تَشْيِيدًا لِلدِّينِ:

Ислом динини мустаҳкамлаш учун ҳажни фарз қилди.

وَالْعَدْلَ تَنْسِيْقًا لِلْقُلُوبِ:

Ва Аллоҳ қалбларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш учун адолатни муқаррар ва тайин этди.

وَإِطَاعَتَنَا نِظَامًا لِلْمِلَّةِ:

Халқнинг тартиб-низомини сақлаш учун, Биз Аҳли-Байтга бўйсунитишни фарз қилди.

وَأَمَّا أَمَانًا لِلْفُرْقَةِ:

Биз Аҳли-Байтнинг пешво ва раҳнамолигини бўлиниб кетишдан омон қолиш учун тайин этди.

وَالْجِهَادَ عِزًّا لِلْإِسْلَامِ:

Ислом динининг иззат ва юксаклиги учун жиҳодни фарз қилди.

وَالصَّبْرَ مَعُونَةً عَلَى اسْتِجَابِ الْأَجْرِ:

Ажр-мукофотга эришишда ёрдам бўлиши учун сабрни тайин ва муқаррар этди.

وَالْأَمْرَ بِالْمَعْرُوفِ مَصْلَحَةً لِلْعَامَّةِ:

Ва Аллоҳ таоло амри маъруфни [яхшиликка буюришни] умум инсонлар манфаати ва маслаҳати учун фарз қилди.

وَبِرِّ الْوَالِدَيْنِ وَقَايَةَ مِنَ السَّخَطِ:

Ота-онага яхшилик қилишни эса Ўзининг ғазабидан сақланиш учун фарз қилди.

وَصِلَةَ الْأَرْحَامِ مِنْسَاءً فِي الْعُمْرِ وَ مِنْمَاءً لِلْعَدَدِ

Ва силаи раҳимни [қариндошчилик ришталарини сақлаб қолишни] одамзоднинг умри узайиши ва сони кўпайиши учун фарз қилди.

وَالْقِصَاصَ حَقًّا لِلدِّمَاءِ:

Қасос олишни қон тўкилишининг олдини олиш учун тайин ва муқаррар этди.

وَالْوَفَاءَ بِالنَّذْرِ تَعْرِيفًا لِلْمَغْفِرَةِ:

Назрга вафо қилишни Аллоҳнинг мағфиратига етиш учун вожиб қилди.

وَتَوْفِيَةَ الْمَكَايِيلِ وَالْمَوَازِينِ تَغْيِيرًا لِلْبَحْسِ:

Тарозидан уриш ва нуқсонли қилиб беришни ўзгартириш учун олди-сотдида ўлчовлар ва тарозиларни тўлиқ қилиб беришни фарз қилди.



وَالْتَهَىٰ عَنْ شُرْبِ الْحُمْرِ تَنْزِيهَا عَنِ الرَّجْسِ:

Нопоклик ва ифлосликдан сақланиш учун май ва шароб ичишни ман этди.

وَاجْتَنَابِ الْقُدْفِ حِجَابًا عَنِ اللَّعْنَةِ:

Қарғиш ва лаънатга учрашдан омонда қолиш учун тухмат ва бўҳтон сўзлардан сақланишни фарз қилди.

وَتَرَكَ السَّرِقَةَ إِجَابًا لِلْعِقَةِ:

Иффат ва покдомонликни юзага келтириш учун эса ўғирликни тарк этишни фарз қилди. [Зероки, ўғирлик қилмаслик жамиятнинг покланишига ҳамда одамларнинг иффатли ва покдомон бўлишига сабаб бўлади].

وَحَرَّمَ اللَّهُ الشِّرْكَ إِخْلَاصًا لَهُ بِالرُّبُوبِيَّةِ:

Ва Аллоҳ таоло ҳамма Унинг парвардигорлигига ихлос қилиши учун ширкни ҳаром қилди.

[Яъни, барча инсонлар Унинг парвардигорлигига холисона бўйин эгиб бахт-саодатга ноил бўлишлари учун Аллоҳ турли ишларда ширк келтиришни ҳаром қилди.]

فَاتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ.

*Шундай экан, «Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинглар. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинглар» (Оли Имрон сураси/ 102-оят).*

وَأَطِيعُوا اللَّهَ فِيمَا أَمَرَكُمْ بِهِ وَهَذَا مِنْ عِنْدِهِ:

Аллоҳ таоло сизларга буюрган ва сизларни қайтарган нарсаларда Унга итоат қилингиз.

فَإِنَّهُ، ﴿إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ﴾

*Зероки, «Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» (Фотир сураси/ 28-оят).*

**Манба:** Забийҳуллоҳ Маҳаллотий, «*Райоҳинуш-Шариъаҳ*», 1-жилд, 312-жилд; Фотиматуз-Заҳро *(алайҳос салом)* 360-бет ва шунингдек, Аллома Мажлисий

«Биҳорул Анвор», 43-жилд, 54-бет, 48-ҳадис; Муҳаммад Даштий, «Наҳҷул Ҳаёт» китоби, 102-бет.

## 11. Ухлашдан олдин Сарвари олам Ҳазрати Фотимаи Заҳро

(саломуллоҳу алайҳо) га буюрган тўлиқ кўрсатмалар ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) وَ قَدْ افْتَرَشْتُ فِرَاشِي لِلنَّوْمِ، فَقَالَ: يَا فَاطِمَةُ لَا تَنَامِي إِلَّا وَقَدْ عَمِلْتِ أَرْبَعَةً: خَتَمْتِ الْقُرْآنَ، وَجَعَلْتِ الْأَنْبِيَاءَ شَفَعَاتِكَ، وَأَرْضَيْتِ الْمُؤْمِنِينَ عَنِ نَفْسِكَ، وَحَجَجْتِ وَاعْتَمَرْتِ، قَالَ هَذَا وَأَخَذَ فِي الصَّلَاةِ، فَصَبَرْتُ حَتَّى أَمَمَ صَلَوَتَهُ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَمَرْتِ بِأَرْبَعَةٍ لَا أَقْدِرُ عَلَيْهَا فِي هَذَا الْحَالِ! فَتَبَسَّمَ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) وَقَالَ: إِذَا قَرَأْتِ قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ فَكَأَنَّكَ خَتَمْتِ الْقُرْآنَ، وَإِذَا صَلَّيْتِ عَلَيَّ وَعَلَى الْأَنْبِيَاءِ قَبْلِي كُنَّا شَفَعَاءَكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَإِذَا اسْتَعْفَرْتِ لِلْمُؤْمِنِينَ رَضُوا كُلُّهُمْ عَنكَ، وَإِذَا قُلْتِ: سُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ، فَقَدْ حَجَجْتِ وَاعْتَمَرْتِ.

«Мен тўшагимни ухлаш учун тайёрлаётган бир пайтда, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уйимга кириб келиб, шундай дедилар: Эй Фотима, тўрт ишни қилмагунингча ухлама: Куръонни тўлиқ ўқиб тугатгин, пайгамбарларни ўзингга шафоатчи қилгин, мўминларни ўзингдан рози этгин ҳамда ҳаж ва умра қилгин. Ул ҳазрат бу сўзларни айтдилар-да, намоз ўқий бошладилар. Токи ул зот намозларини тугатгунча сабр қилдим ва сўнг дедим: Эй Аллоҳнинг Расули, сиз менга буюрган бу тўрт ишни бажаришга ҳозирнинг ўзидаёқ қодир эмасман! Шунда у зот табассум қилиб: «Агар Қул Ҳуваллоҳу Аҳадни [Ислос сурасини] уч марта ўқисанг, гўёки Куръонни тўлиқ ўқиб тугатган бўлурсан. Агар менга ва мандан олдинги пайгамбарларга салават айтсанг, қиёмат кунда биз сенга шафоатчи бўлурмиз. Агар мўминлар учун истиғфор айтсанг [яъни уларнинг гуноҳлари кечирилишини Аллоҳдан сўрасанг], уларнинг ҳаммаси сендан рози бўлурлар. Ва қачонки: «Субҳаналлоҳи, вал-ҳамдулиллааҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» [яъни, Аллоҳ барча айб-нуқсонлардан покдир, Аллоҳга ҳамд-санолар бўлсин, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир ва Аллоҳ энг буюк зотдир] десанг, ҳаж ва умра қилган бўлурсан», деб марҳамат қилдилар».

## 12. Ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳу алайҳо)нинг ҳазрати Али (алайҳис салом)га бўлган илоҳий муҳаббатлари ҳақида

أَصْبَحَ عَلِيُّ بْنُ أَبِيطَالِبٍ (عَلَيْهِ السَّلَامُ) ذَاتَ يَوْمٍ سَاعِبًا، فَقَالَ: يَا فَاطِمَةُ هَلْ عِنْدَكَ شَيْءٌ تُغَدِّبِنِيهِ؟ قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): لَا وَالَّذِي أَكْرَمَ أَبِي بِالنُّبُوَّةِ وَأَكْرَمَكَ بِالْوَصِيَّةِ مَا أَصْبَحَ الْغَدَاةَ عِنْدِي شَيْءٌ، وَمَا كَانَ شَيْءٌ أَطْعَمَنَاهُ مُذْ يَوْمَئِذٍ إِلَّا شَيْءٌ كُنْتُ أُؤْتِرُكَ بِهِ عَلَى نَفْسِي وَعَلَى ابْنِي هَدَيْنِ الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ. فَقَالَ عَلِيُّ (عَلَيْهِ السَّلَامُ): يَا فَاطِمَةُ أَلَا كُنْتَ أَعْلَمْتَنِي فَأَبْعَيْكُمُ شَيْئًا؟ فَقَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): يَا أَبَا الْحَسَنِ! إِنِّي لَأَسْتَحْيِي مِنْ إلهي أَنْ أَكَلِفَ نَفْسَكَ مَا لَا تَقْدِرُ عَلَيْهِ.

«Бир кунни тонгда ҳазрати Али ибн Абу Толиб (алайҳис салом) оч қолиб ўз умр йўлдошлари ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо)га: Эй Фотима, менга берадиган бирор овқатинг борми?», дедилар. Ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо): «Йўқ, отамни пайгамбарлик мақоми билан эъзозлаган ва сизни ворислик мартабаси ила улуғлаган Зотга қасамки, бугун эрталаб ейишга ҳеч бир нарсам йўқ ва икки кундан бери уйда таомланишга етарли нарсамиз йўқ эди. Ва бор бўлган озгина егулик нарсани ҳам сизга бериб, сизни ўзим ва икки фарзандим Ҳасан ва Ҳусайнлардан афзал кўрдим», деб жавоб бердилар. Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) таассуф билан: «Эй Фотима, мен сизларга бирор нарса топиб келишим учун нега мени хабардор қилмадинг?», дедилар. Ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо) ўз умр йўлдошларига: «Эй Абул Ҳасан, мен Худойимдан сиз бажаришга қодир бўлмаган нарсани сизга юклашдан уяламан», деб жавоб қайтардилар».

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 43-жилд, 200-бет, 30-ҳадис; Муҳаммад Даштий, «Наҳжул Ҳаёт» китоби, 102-бет.

Мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)ни Абу Бакрга мажбуран байъат қилдириш учун ўз уйларидан олиб чиқиб Масжидун-Набийга олиб келишганида, ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳу алайҳо) тезлик билан масжидга етиб келиб ўзларининг илоҳий пешво ва раҳбарлари бўлган мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ҳимоя қилиб, ўз замоналарининг имомига бўлган иймон ва эътиқодларини шундай баён қилганлар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): رُوحِي، لِرُوحِكَ الْفِدَاءُ وَنَفْسِي لِنَفْسِكَ الْوَقَاءُ يَا أَبَا الْحَسَنِ! إِنْ كُنْتَ فِي خَيْرٍ كُنْتُ مَعَكَ وَإِنْ كُنْتَ فِي شَرٍّ كُنْتُ مَعَكَ

«Эй Абул Ҳасан, менинг руҳим сизнинг руҳингизга фидо бўлсин! Менинг жоним сизнинг жонингиз учун қалқон бўлсин! Яхшиликларда сиз билан биргаман, қийинчиликларда ҳам сиз билан биргаман.»

**Манба:** Шайх Маҳдий Ҳоирӣ Мозандаронӣ, «Ал-Кавкабуд-дурриййу фий аҳваалин-Набиййи вал-Батули вал-Васий», 1-жилд, 196-бет; Муҳаммад Даштӣ, «Наҳжул Ҳаёт» китоби, 147-бет, 75-ҳадис.

### 13. Мўминнинг юзидаги табассум ва қувонч ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): الْبُشْرَى فِي وَجْهِ الْمُؤْمِنِ يُوجِبُ لِصَاحِبِهِ الْجَنَّةَ، وَبُشْرَى فِي وَجْهِ الْمُعَانِدِ يَقِي صَاحِبَهُ عَذَابَ النَّارِ.

«Мўминнинг юзидаги табассум ва қувонч унинг жаннатга киришига сабаб бўлади ва ўжар душманнинг юзидаги табассум ва қувонч эса эгасини дўзах азобидан сақлайди».

Ушбу ҳадиси шарифнинг маъно-мазмунига кўра, юксак инсоний хислат бўлган хушмуомалалик ва инсон юзидаги табассум ва қувонч агар мўмин кишида бўлса, унинг жаннатга киришига сабаб бўлади ва агар ушбу хислат ҳатто ўжар душманда ҳам бор бўлса, уни дўзах азобидан сақлайди, яъни беҳиштга кира олмаса-да, аммо ҳеч бўлмаганда, беҳишт ва дўзах ўртасида бўлган «Аъроф» деган жойда бўлади. Зеро, жаннатга киришнинг асосий шarti Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига иймон келтириш ва айtilган солиҳ ва яхши амалларни бажаришдир.

**Манба:** Шайх Маҳдий Ҳоирӣ Мозандаронӣ, «Ал-Кавкабуд-дурриййу фий аҳваалин-Набиййи вал-Батули вал-Васий», 1-жилд, 254-бет; Аллома Мажлисӣ, «Биҳорул Анвор», 75-жилд, 401-бет.

### 14. Намозга нисбатан суст ва эътиборсиз бўлишнинг оқибати ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

«عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: سَأَلْتُ أَبِي رَسُولَ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) يَا أَبَتَاهُ مَا لِمَنْ تَهَاوَنَ بِصَلَوَتِهِ مِنْ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ؟ قَالَ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): يَا فَاطِمَةُ مَنْ تَهَاوَنَ بِصَلَوَتِهِ مِنَ الرِّجَالِ وَالنِّسَاءِ إِنْتَلَاهُ اللَّهُ بِخَمْسِ عَشْرَةَ

حَصَلَةٌ: سِتُّ مِنْهَا فِي دَارِ الدُّنْيَا، وَثَلَاثٌ عِنْدَ مَوْتِهِ، وَثَلَاثٌ فِي قَبْرِهِ، وَثَلَاثٌ فِي الْقِيَامَةِ إِذَا خَرَجَ مِنْ قَبْرِهِ. فَأَمَّا اللُّوَاتِي تُصِيبُهُ فِي دَارِ الدُّنْيَا: فَأَلْوَلَى يَرْفَعُ اللهُ الْبَرَكَةَ مِنْ عُمْرِهِ، وَيَرْفَعُ اللهُ الْبَرَكَةَ مِنْ رِزْقِهِ، وَيَمْحُوا اللهُ عَزَّوَجَلَّ سَيِّمَاءَ الصَّالِحِينَ مِنْ وَجْهِهِ، وَكُلُّ عَمَلٍ يَعْمَلُهُ لَا يُوجِرُ عَلَيْهِ، وَلَا يَرْتَفِعُ دُعَاؤُهُ إِلَى السَّمَاءِ، وَالسَّادِسَةُ لَيْسَ لَهُ حِطٌّ فِي دُعَاءِ الصَّالِحِينَ، وَأَمَّا اللُّوَاتِي تُصِيبُهُ عِنْدَ مَوْتِهِ فَأَوْلَاهُنَّ أَنَّهُ يَمُوتُ ذَلِيلًا، وَالثَّانِيَةُ يَمُوتُ جَانِعًا، وَالثَّلَاثَةُ يَمُوتُ عَطْشَانًا، فَلَوْ سُقِيَ مِنْ أَنْحَارِ الدُّنْيَا لَمْ يَرَوْ عَطْشُهُ، وَأَمَّا اللُّوَاتِي تُصِيبُهُ فِي قَبْرِهِ، فَأَوْلَاهُنَّ يُؤَكِّلُ اللهُ مَلَكًا يُرْعِجُهُ فِي قَبْرِهِ، وَالثَّانِيَةُ يُضِيقُ عَلَيْهِ قَبْرَهُ وَالثَّلَاثَةُ تَكُونُ الظُّلْمَةُ فِي قَبْرِهِ، وَأَمَّا اللُّوَاتِي تُصِيبُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِذَا خَرَجَ مِنْ قَبْرِهِ: فَأَوْلَاهُنَّ يُؤَكِّلُ اللهُ بِهِ مَلَكًا يَسْحَبُهُ عَلَى وَجْهِهِ، وَالثَّلَاثَةُ يَنْظُرُونَ إِلَيْهِ، وَالثَّانِيَةُ يُحَاسِبُ حِسَابًا شَدِيدًا، وَالثَّلَاثَةُ لَا يَنْظُرُ اللهُ إِلَيْهِ وَلَا يُزَكِّيهِ وَلَهُ عَذَابٌ أَلِيمٌ.»

«Мен отам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан эй отажон, намозига бепарво ва суст бўлган эркаклар ва аёлларнинг ҳоли нима бўлади? деб сўрадим. У зот саволимга жавобан шундай деб марҳамат қилдилар: Эй Фотима, кимда-ким эркак ва аёллардан ўз намозида суст ва бепарво бўлса, Аллоҳ таоло уни ўн беш балога мубтало қилади; ундан олтитаси шу дунёда, учтаси ўлими пайтида, учтаси қабрида ва яна учтаси қиёмат куни қабридан чиққанида бўлади.

Аммо шу дунёда унинг бошига ёғиладиган балолар: биринчиси, Аллоҳ таоло унинг умридан хайру-баракани кўтаради. 2. Аллоҳ таоло ризқидан ҳам хайру-баракани кўтаради. 3. Аллоҳ азза ва жалла унинг юзидан солиҳ кишиларнинг сиймосини-кўринишини олиб қўяди. 4. Унинг қилган бирор бир амалига ажр-мукофот берилмайди. 5. Унинг дуоси осмонга кўтарилмайди, яъни ижобат бўлмайди. 6. Олтинчиси эса унинг учун солиҳларнинг дуосида ҳеч бир насиба йўқдир.

Аммо ўлими пайтида унинг бошига тушадиган азоб-балолар: уларнинг биринчиси, хор бўлиб ўлади. Иккинчиси оч ҳолда ўлади. Учтинчиси ташна ва чанқоқ ҳолда ўлади ва агарда унга дунёнинг барча дарёлари суви ичрилса-да, унинг чанқоғи қондирилмайди.

Аммо унинг қабрида бошига келадиган азоб-уқубатлар: биринчиси, Аллоҳ таоло қабрида уни доим нотинч ва безовта қиладиган бир фариштани тайинлайди. Иккинчиси, қабрини унга торайтиради. Учтинчиси эса, қабрини зулмат ва қоронгулик қамраб олади.

Аммо қиёмат куни қабридан чиққанида унга дучор бўладиган балолар: биринчиси, Аллоҳ таоло унинг юзини ерга ишқалаб судрайдиган бир фариштани унга тайинлаб қўяди, ҳолбуки, халойиқ ўша ҳолда унга қараб туришади. Иккинчиси, у билан қаттиқ ҳисоб-китоб қилинади. Учинчиси эса, Аллоҳ унга [раҳмат назари ила] қарамас, уни пок ҳам қилмас ва унга аламли азоб бордир.».

Ушбу ҳадиси шарифнинг изоҳида шуни айтиш керакки, бу ҳадис намозга нисбатан эътиборсиз, бепарво ва суст бўлганларга, яъни намозга енгил қараб ўз вақтида ўқимай кечиктирадиган ёки баъзи вақт ўқиса, баъзан эса ўқимай қазо қиладиган кишиларга қарата айтилган ва бундайларнинг оқибати қандай бўлиши ушбу ҳадисда баён қилинган. Аммо мутлақо намоздан беҳабар бўлиб, намоз ўқимайдиганларнинг аҳволи эса юқоридаги ҳадиси шарифда айтилгандан кўра анча оғирроқ ва азоби ундан ҳам шиддатлироқ бўлади.

**Манба:** Аллома Мажлисий, «*Биҳорул Анвор*», 80-жилд, 21 ва 22-бетлар, 39-ҳадис.

## 15. Ҳақиқий рўзадор қандай бўлиши ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): مَا يَصْنَعُ الصَّائِمُ بِصِيَامِهِ إِذَا لَمْ يَصُنْ لِسَانَهُ وَسَمْعَهُ وَبَصَرَهُ وَجَوَارِحَهُ.

«Рўзадор тилини, қулогини, кўзини ва бошқа аъзоларини ҳаромдан тиймас экан, унинг тутган рўзасидан нима фойда?»

**Манба:** Ибн Абул Ҳадид Мўътазилий, «*Шарҳи Наҳжил Балоға*», 2-жилд, 449-бет; Али ибн Абу Бакр ал-Ҳайсамий, «*Мажмаъуз-завоид*», 9-жилд, 132-бет. Аллома Мажлисий «*Биҳорул Анвор*», 93-жилд, 295-бет.

## 16. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) бу дунёда уч нарсани яхши кўришлари ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): حُبَّبَ إِلَيَّ مِنْ دُنْيَاكُمْ ثَلَاثٌ: تِلَاوَةُ كِتَابِ اللَّهِ، وَالنَّظَرُ فِي وَجْهِ رَسُولِ اللَّهِ، وَالْإِنْفَاقُ فِي

سَبِيلِ اللَّهِ .

«Сизнинг дунёнғиздан менга уч нарса суюкли бўлди: Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиш, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг юзларига қараш ва Аллоҳ йўлида мискин ва муҳтожларга инфоқ-эҳсон қилиш».

**Манба:** Муҳаммад Даштий «Наҳжул Ҳаёт», 271-бет.

## 17. Дуо ижобат бўладиган вақт ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) оталари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан жума кунисидаги дуо ҳақида ривоят қилиб айтадилар:

«عَنْ أَبِيهَا رَسُولِ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) قَالَتْ: قَالَ: إِنَّ فِي الْجُمُعَةِ لَسَاعَةً لَا يُوَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ يَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى فِيهَا خَيْرًا إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ، فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيَّ سَاعَةٍ هِيَ؟ إِذَا تَدَلَّى نِصْفُ عَيْنِ الشَّمْسِ لِلْغُرُوبِ»

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Жума кунисида [ҳар бир яхшилик ва ҳар бир эзгу тилак амалга ошадиган] шундай бир соат борки, мусулмон банда ўша соат Аллоҳ таолодан сўраган ҳар бир эзгу тилагини албатта, Аллоҳ таоло унга ато этади», деб марҳамат қилдилар. Шунда мен: «эй Аллоҳнинг Расули, ўша қайси соат?», деб сўрадим. Ул ҳазрат: «Қуёшнинг ярми ботишига яқинлашиб уфқда яширинган вақт бўлур», дедилар».

**Манба:** Муҳаммад Даштий, «Наҳжул Ҳаёт», 152-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) жума куниси қуёш ботишига яқинлашганида, хизматкорларига шундай дердилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزُّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): اصْعَدْ عَلَيَّ السُّطْحَ، فَإِنْ رَأَيْتَ نِصْفَ عَيْنِ الشَّمْسِ قَدْ تَدَلَّى لِلْغُرُوبِ فَأَعْلِمْنِي حَتَّى أَدْعُو.

«Томга чиқ, агар қуёшнинг ярми ботишига яқинлашганини кўрсанг, менга хабар бергин, токи мен дуо-илтижо қилайин».

**Манба:** Сикатул Ислом Кулайний, «Усули Кофий», 1-жилд, 460-бет; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 28-жилд, 250-бет, 30-ҳадис; Шайх Аббос Қуммий, «Байтул Аҳзон» китоби, 104-бет.

## 18. Аёлнинг Худога энг яқин бўлган вақти ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: سَأَلَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) أَصْحَابَهُ عَنِ الْمَرْأَةِ مَا هِيَ؟ قَالُوا: عَوْرَةٌ، قَالَ: فَمَتَى تَكُونُ أَدْنَى مِنْ رَبِّهَا؟ فَلَمْ يَدْرُوا. فَلَمَّا سَمِعَتْ فَاطِمَةُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) ذَلِكَ قَالَتْ: أَدْنَى مَا تَكُونُ مِنْ رَبِّهَا أَنْ تَلْزَمَ قَعْرَ بَيْتِهَا. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): إِنَّ فَاطِمَةَ بَضْعَةٌ مِنِّي.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бир куни саҳобаларидан «аёл ўзини ма?»», деб сўрадилар Улар: «аёл аврат ва номусдир», деб жавоб қайтаришди. У зот яна: «Аёл ўз Парвардигорига энг яқин бўлган пайти қачон?», деб сўрадилар. Улар бу саволнинг жавобини билмадилар. Фотима (алайҳас салом) бу саволни эшитгач, ул ҳазрат: «Аёлнинг ўз Парвардигорига энг яқин бўлган ҳолати уйининг бир бурчагида қарор топган вақтидир», деб жавоб бердилар. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Дарҳақиқат, Фотима менинг вужудимнинг бир бўлагидир», деб марҳамат қилдилар».

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 43-жилд, 91 ва 92-бетлар.

Юқоридаги ҳадиси шарифдан Ислом динининг тафаккури аёлни уйнинг бир бурчагига ўтқизиб қўйиб, унинг жамият билан алоқасини узиш экан-да, деб тушунмаслик керак. Чунки, ҳазрати Фотимаи Заҳро (алайҳас салом)нинг амалий сийратлари, яъни ҳаётда тутган йўллариға ҳамда ул ҳазратнинг Ошуро саҳнасида ва ундан кейинги воқеаларда кучли ижтимоий нуфузга эга бўлган кадрдон қизлари ҳазрати Зайнабнинг ҳаётиға назар солсак, бундай ҳадисларнинг маъно-мазмуни аёл кишининг ҳаддан ортиқ жамиятга кириб кетиб, номаҳрам эркаклар билан кераксиз аралашидан сақланиши зарур эканлигини билдиради. Зероки, аёлларнинг жамиятга қўшилиб кетиши ва номаҳрам эркаклар билан кераксиз аралашиси ҳаддан ошиб кетса, аёл кишининг иймон-эътиқодига путур етиши шубҳасиздир.

## 19. Аёллар учун энг яхши нарса нима?

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) аёллар учун энг яхши нарса нима эканини таърифлаб шундай марҳамат қилганлар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): فِي وَصْفِ مَا هُوَ خَيْرٌ لِلنِّسَاءِ: «خَيْرٌ لِلنِّسَاءِ أَنْ لَا يَرَيْنَ الرِّجَالَ، وَلَا يَرَاهُنَّ الرِّجَالَ».

«Аёллар учун энг яхши нарса – улар [заруратсиз ҳолда] эркакларни кўрмасликлари ва эркаклар ҳам уларни кўрмасликларидир».



**Манба:** Аллома Мажлисий, «*Биҳорул Анвор*», 43-жилд, 54-бет, 48-ҳадис; Муҳаммад Даштий, «*Наҳжул Ҳаёт*», 160-бет.

Ушбу ҳадиснинг маъно-мазмуни шундан иборатки, жамиятда аёлларнинг обрў-ҳурмати ва шахсиятини сақлаб қолиш учун бажариладиган энг яхши иш – бу улар номаҳрам эркакларга кўзлари тушиб уларга назар солмасликлари ва номаҳрам эркаклар ҳам аёлларни томоша қилиб қарамасликларидир.

Албатта, зарурат тақозоси билан аёл киши ўзига тааллуқли ва зарур бўлган ишларни амалга ошириш учун уйдан ташқарига чиқиб, жамиятга қадам қўймоқчи бўлса, ҳаёли ва иболи кийинган ҳолда ўзининг иффат-ҳаёси ва покдомонлигини қўриқлаши ва номаҳрам эркаклар билан аралашиб кетмаслиги керак бўлади. Шундай ҳолдагина юқоридаги ҳадиси шарифнинг кўрсатмасига амал қилган ҳисобланади. Акс ҳолда аёл кишининг иймон-этиқодига ва обрў-шарафига зарар етиши муқаррар. Шундай бўлган тақдирда, яъни жамиятнинг бош устунни бўлган аёл кишига зарар етган тақдирда мусулмонлар жамиятида солиҳ ва пок инсонлар етишиб чиқмайди. Афсуски, ушбу ҳолатни ўзимизнинг жамиятимизда кузатишимиз мумкин.

## 20. Аёл эрининг розилигини олиши кераклиги ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (*саломуллоҳу алайҳо*) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): وَيْلٌ لِمَرْأَةٍ أَغْضَبَتْ زَوْجَهَا وَطَوَّبِي لِمَرْأَةٍ رَضِيَ عَنْهَا زَوْجُهَا.

«*Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: Эрини газаблантирган аёлнинг ҳолига вой бўлсин ва эри ундан рози бўлган аёл нақадар бахтлидир*».

**Манба:** Аллома Мажлисий, «*Биҳорул Анвор*», 100-жилд, 246-бет, 24-ҳадис.

## 21. Дўзахий аёллар ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (*саломуллоҳу алайҳо*) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): ... يَا بِنْتِي أَمَّا الْمُعَلَّقَةُ بِشَعْرِهَا فَأَيُّهَا كَانَتْ لَا تُعْطَى شَعْرُهَا مِنَ الرِّجَالِ، وَأَمَّا الْمُعَلَّقَةُ بِلِسَانِهَا فَأَيُّهَا كَانَتْ تُؤْذَى زَوْجَهَا، ... وَأَمَّا الَّتِي كَانَ رَأْسُهَا رَأْسَ خَنْزِيرٍ، وَبَدَنُهَا

بَدَنَ الْحِمَارِ فَإِنَّمَا كَانَتْ تَمَامَةً كَذَابَةً. وَأَمَّا الَّتِي كَانَتْ عَلَى صُورَةِ الْكَلْبِ وَالنَّارُ تَدْخُلُ فِي ذُبُرِهَا وَتَخْرُجُ مِنْ فِيهَا فَإِنَّمَا كَانَتْ قَبِيئَةً نَوَاحَةً حَاسِدَةً.

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) [меърожга кўтарилган кеча дўзах аҳлининг азобларини кўрганлари ҳақида] шундай дедилар: Эй қизим, аммо сочидан осилган аёл сочини номахрам эркаклардан беркитмас эди. Тилидан осилган аёл эса эрини тили билан азоб берар эди... Боши тўнқизнинг боши ва танаси эса эшакнинг танаси бўлган аёл эса чақимчи ва ёлгончи эди. Аммо юзи ит шаклида бўлиб, олов орқасидан кириб оғзидан чиқаётган аёл эса қўшиқчи бўлиб, ашула айтар ва ҳасадгўйлик қилар эди».

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 100-жилд, 246-бет, 24-ҳадис.

## 22. Одамларга нисбатан юмшоқлик-ла муносабатда бўлиш ва аёлларга ҳурмат кўрсатиш ҳақида

Ҳазрати Фотиماи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْهَا (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): خِيَارُكُمْ أَلْيُنُكُمْ مَنَّاكِبُهُ وَأَكْرَمُهُمْ لِنِسَائِهِمْ.

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: Сизларнинг энг яхшиларингиз одамларга нисбатан юмшоқрогингиз ва ўз аёлларини кўпроқ эъзозлайдиганларингиздир».

**Манба:** Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 7-жилд, 225-бет; Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий, «Далоилул-имомах», 76-бет.

## 23. Уй ишларининг қийинчиликлари ҳақида

Бир куни Сарвари коинот Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз нури дийдалари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)ни кўриш учун қизларининг уйига келганларида, ул ҳазрат уй юмушларининг қийинчилигидан сўз очиб оталарига шундай дейдилар:

عَنْهَا (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَقَدْ مَجَلَّتْ يَدَايَ مِنَ الرَّحَى، أَطْحَنُ مَرَّةً، وَأَعْجَنُ مَرَّةً.

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки қўлим тегирмон тошини айлантиришдан қаварган, бир марта бугдойни янчиб ун қилсам ва яна бир марта хамир қиламан».

Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нури дийдалари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)га уй ишларида чеккан машаққат ва қийинчиликлари эвазига Аллоҳ таоло томонидан ҳадя этилган махсус зикрни ўргатдилар. Ушбу махсус зикр кейинчалик «Тасбиҳоти Ҳазрати Фотимаи Заҳро (с.а)», - деб танилди. Ушбу махсус зикрнинг тартиби; 34 марта «Аллоҳу Акбар», 33-марта «Алҳамдулиллааҳ» ва 33 марта «Субҳааналлоҳ» деб айтишдан, яъни 100 марта Аллоҳ субҳаанаҳу ва таолони зикр қилишдан иборат бўлиб, ушбу махсус зикрни фарз намозлардан кейин ҳамда ухлашдан олдин айтиш юқори ажр-савобга эга бўлган амал ҳисобланади.

**Манба:** Муҳиббуддин ат-Табарий, «Заҳирул уқбо», 1-жилд, 50-бет; Аҳмад бин Ҳанбал, «Ал-Муснад», 2-жилд, 166-бет.

## 24. Бахилликнинг зиён-зарари ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): إِيَّاكَ وَالْبُخْلَ، فَإِنَّهُ عَاهَةٌ لَا تَكُونُ فِي كَرِيمٍ. إِيَّاكَ وَالْبُخْلَ فَإِنَّهُ شَجْرَةٌ فِي النَّارِ، وَأَغْصَانُهَا فِي الدُّنْيَا، فَمَنْ تَعَلَّقَ بِغُصْنٍ مِنْ أَغْصَانِهَا أَدْخَلَهُ النَّارَ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга шундай дедилар: Бахилликдан сақлангин, зероки бахиллик олижаноб кишида бўлмаган бир нуқсондир. Бахилликдан сақлангин, чунки у жаҳаннам оловидаги бир дарахт бўлиб, унинг шохлари дунёдадир. Кимки унинг шохларидан бир шохга осилса, уни жаҳаннамга дохил қилади».

**Манба:** Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий, «Далоилул-имомаҳ», 71-бет, 9-ҳадис.

## 25. Қўли очиклик ва сахийлик натижаси ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): وَعَلَيْكَ بِالسَّخَاءِ، فَإِنَّ السَّخَاءَ شَجْرَةٌ مِنَ شَجَرِ الْجَنَّةِ، أَغْصَانُهَا مُتَدَلِّيَةٌ إِلَى الْأَرْضِ، فَمَنْ أَحَدَ مِنْهَا غُصْنًا قَادَهُ ذَلِكَ الْغُصْنُ إِلَى الْجَنَّةِ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга шундай дедилар: Саховатли бўлгин, зероки саховатлилик жаннат дарахтларидан бир дарахт бўлиб, унинг шохлари ерга осилиб туради. Бас кимда-ким ундан бир шохни тутса, ўша шох уни жаннат сари етаклайди»

**Манба:** Аҳмад Раҳмоний Ҳамадоний, «Фотиматуз-Заҳро баҳжату қалбил Мустафо», 1-жилд, 235-бет.

## 26. Маст қилувчи нарсаларнинг ҳаром эканлиги ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): يَا حَبِيبَةَ أَيْبَهَا كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ، وَكُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга шундай дедилар: Эй отасининг маҳбуби-севимлиси, ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир ва ҳар бир маст қилувчи нарса май-шаробдир».

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 66-жилд, 487-бет, 18-ҳадис ва шунингдек, 63-жилд, 487-бет, 18-ҳадис.

## 27. Умматнинг энг ёмони ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): شَرَارُ أُمَّتِي الَّذِينَ غَدُّوا بِالتَّعِيمِ، الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَلْوَانَ الطَّعَامِ، وَيَلْبَسُونَ أَلْوَانَ الثِّيَابِ وَيَتَشَدَّقُونَ فِي الْكَلَامِ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: Менинг умматимнинг энг ёмонлари турли ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб, ранг-баранг таомлар тановул қиладиган, турли кийимлар киядиган ва ўзи хоҳлаган гапларни айтадиган кишилардир».

**Манба:** Файз Кошоний, «Ал-Маҳажжатул байзоъ», 5-жилд, 169 ва 214-бетлар.

## 28. Ақиқ қошли узук тақишнинг ажр-савоби ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الرَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): مَنْ تَحْتَمَّ بِالْعَقِيقِ لَمْ يَزَلْ يَرَى خَيْرًا.

«Ким ақиқ қошли узук тақиб юрса, ҳар доим яхшилик кўради».

**Манба:** Шайх Садуқ, «Савобул аъмол», 208-бет; Шайх Тусий, «Ал-Амолий», 1-жилд, 311-бет, 630-77-ҳадис; Шайх Ҳурри Омилий, «Васоилуш-шиа», 3-жилд, 401-бет ва 5-жилд, 88-бет, 5993-ҳадис.

## 29. Пайғамбарнинг масжидга кириш ва чиқишдаги дуолари

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الرَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: إِنَّ النَّبِيَّ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) كَانَ إِذَا دَخَلَ الْمَسْجِدَ يَقُولُ: «بِسْمِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَاعْفِرْ ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ». وَإِذَا خَرَجَ يَقُولُ: «بِسْمِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَاعْفِرْ ذُنُوبِي وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ فَضْلِكَ».

«Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) масжидга кирганларида: «Аллоҳ номи билан, эй Аллоҳим, Муҳаммадга дуруду-саловот йўлла, гуноҳларимни мағфират қилгин ва раҳматинг эшикларини менга очгин!», дердилар. Масжиддан ташқарига чиққанларида эса: «Аллоҳ номи билан, эй Аллоҳим, Муҳаммадга дуруду-саловот йўлла, гуноҳларимни мағфират қилгин ва менга фазлу-марҳаматинг эшикларини очгин!», дердилар».

**Манба:** Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий, «Далоилул-имомаҳ», 75-бет, 14-ҳадис; Шайх Тусий, «Ал-Амолий», 2-жилд, 15-бет.

## 30. Пайғамбар, ҳазрати Фотимаи Заҳро фарзандларининг отаси эканликлари ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

«عَنْ فَاطِمَةَ الرَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ النَّبِيُّ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): إِنَّ اللَّهَ عَزَّوَجَلَّ جَعَلَ ذُرِّيَّةَ كُلِّ بَنِي أُمَّ عَصَبَةَ يَنْتُمُونَ إِلَيْهَا إِلَّا وُلْدَ فَاطِمَةَ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) فَأَنَا وَلِيُّهُمْ وَأَنَا عَصَبَتُهُمْ.»

«Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: Дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалла ҳар бир она фарзандларининг насл-насабини унга боғланадиган қариндошлик сабабчиси қилиб қўйди, фақат Фотима (а.с)нинг фарзандлари бундан мустаснодир. Зеро, мен уларнинг

валийси ва қариндошлик сабабчисиман [улар менга мансуб ва тегишлидирлар]»

**Манба:** Иброҳим Ал-Ҳамвий Ал-Жувайний, «Фароидус-Симтайн», 2-жилд, 77-бет, 398-ҳадис.

### 31. Пайғамбар авлодларига ёрдам бериш ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الرَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): أَيُّمَا رَجُلٍ صَنَعَ إِلَى رَجُلٍ مِنْ وُلْدِي صَنِيعَةً فَلَمْ يُكَافِئْهُ عَلَيْهَا، فَأَنَا الْمُكَافِئُ لَهُ عَلَيْهَا.

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: Кимки фарзандларимдан бирортасига [яъни эшон ва саййидлардан бирортасига] бирор ишни қилса-ю, лекин ўша фарзандим унинг қилган ишининг ҳаққини адо этмаса, мен унга бу ишининг ажр-мукофотини бергайман».

**Манба:** Шайх Тусий, «Ал-Амолий», 1-жилд, 355 ва 365-бетлар, 736-ҳадис; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 93-жилд, 225-бет, 23-ҳадис ва шунингдек, 96-жилд, 225-бет, 23-ҳадис.

### 32. Бемор Аллоҳнинг паноҳида бўлади.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الرَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ النَّبِيُّ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): إِذَا مَرِضَ الْعَبْدُ أَوْحَى اللَّهُ إِلَى مَلَائِكَتِهِ أَنْ ارْفَعُوا عَنْ عَبْدِي الْقَلَمَ مَا دَامَ فِي وَثَاقِي، فَإِنِّي أَنَا حَبْسْتُهُ حَتَّى أَقْبِضَهُ أَوْ أَخْلِي سَبِيلَهُ. كَانَ أَبِي يَقُولُ: أَوْحَى اللَّهُ إِلَى مَلَائِكَتِهِ أَكْتُبُوا لِعَبْدِي أَجْرَ مَا كَانَ يَعْمَلُ فِي صِحَّتِهِ.

«Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: Қачонки Аллоҳнинг бандаси бемор бўлиб қолса, Аллоҳ Ўз фаришталарига: «Бандамдан модомики менинг аҳд-паймонимда экан, таклиф қаламини [амалларнинг савоби ёки жазосини ёзадиган қаламни] кўтаринглари, ёзишдан тўхтанглари. Зероки, Мен Ўзим унинг жонини олиш ёки озод этиш учун уни ҳибсга олганман», деб ваҳий қилади. Отам айтардилар: Аллоҳ таоло

фаришталарига: «Менинг бемор бандам учун соғлигида қилиб қўйган ишининг ажрини ёзинглар», деб ваҳий юборади».

**Манба:** Абу Башар Муҳаммад ибн Аҳмад Ар-Розий Ад-Дулобий, «Аз-Зурриятут-тоҳираҳ», 1-жилд, 149-бет, 189-ҳадис; Муснади Фотиматиз-Заҳро (а.с), 220-бет.

### 33. Золимнинг мағлубиятга учраши ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): مَا التَّقَى جُنْدَانِ ظَالِمَانِ إِلَّا تَخَلَّى اللَّهُ مِنْهُمَا، فَلَمْ يُبَالِ أَيُّهُمَا غَلَبَ، وَمَا التَّقَى جُنْدَانِ ظَالِمَانِ إِلَّا كَانَتِ الدَّائِرَةُ عَلَىٰ أَعْتَاهُمَا.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: «Икки золим лашкар бир-бири билан тўқнашмайди, магар Аллоҳ таоло у икки лашкарни ўша тўқнашган ҳолда ўз ҳолига қўйиб қўяди ва уларнинг қайси бири голиб келишига аҳамият қилмайди. Ва икки золим қўшин бир-бири билан тўқнашмади, илло ўша ҳолда мағлубият ва енгилиш уларнинг золимроғи учун бўлур».

**Манба:** Абу Башар Муҳаммад ибн Аҳмад Ар-Розий Ад-Дулобий, «Аз-Зурриятут-тоҳираҳ», 1-жилд, 149-бет, 190-ҳадис; Муснади Фотиматиз-Заҳро (а.с), 223-бет; Али ибн Ийсо Ирбилиий, «Кашфул гуммаҳ фий маърифатил аиммаҳ», 1-жилд, 553-бет.

### 34. Ҳадид, Воқиъа ва Ар-Раҳмон сураларини ўқиб юрган кишининг шаъну-мартаси ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): قَارِئُ الْحَدِيدِ، وَإِذَا وَقَعَتِ الْوَاقِعَةُ، وَالرَّحْمَنُ، يُدْعَى فِي مَلَكُوتِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ، سَاكِنِ الْفِرْدَوْسِ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: «Ҳадид», «Воқиъа» ва «Раҳмон» сураларини ўқувчи киши осмонлар-у ерда у жаннат аҳлидан деб чақурилади».

Албатта, ушбу уч сурани ўқувчи киши ҳаёти давомида уларда айтилган илоҳий кўрсатмаларга амал қилиб яшаши ҳам кўзда тутилган, фақат уларни шунчаки ўқиш эмас.

**Манба:** Жалолуддин Суютий, «*Ал-Жомийъус-сағийр*», 2-жилд, 234-бет, 190-ҳадис ва шунингдек, «*Аддуррул-мансур*», 7-жилд, 690-бет; Муттақил Ҳиндий, «*Канзул уммол*», 1-жилд, 583-бет; Муҳаммад Абдуррауф Ал-Муновий, «*Файзул Қадийр*», 4-жилд, 614-бет.

### 35. Пайғамбар Аҳли-Байт билан биргаликда айтган сўзлари

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (*саломуллоҳу алайҳо*) айтадилар:

«عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: دَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) فَبَسَطَ ثَوْبًا وَقَالَ لِي: اجْلِسِي عَلَيْهِ، ثُمَّ دَخَلَ الْحَسَنُ فَقَالَ لَهُ: اجْلِسْ مَعَهَا، ثُمَّ دَخَلَ الْحُسَيْنُ فَقَالَ لَهُ: اجْلِسْ مَعَهُمَا، ثُمَّ دَخَلَ عَلِيُّ (عَلَيْهِ السَّلَامُ) فَقَالَ لَهُ: اجْلِسْ مَعَهُمْ، ثُمَّ أَخَذَ بِمَجَامِعِ الثَّوْبِ فَضَمَّهُ عَلَيْنَا ثُمَّ قَالَ: اللَّهُمَّ هُمْ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُمْ أَللَّهُمَّ ارْضِ عَنْهُمْ كَمَا أَنِّي عَنْهُمْ رَاضٍ.»

«Мен Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳузурларига кирдим. Шунда ул зот бир кийимни ёйиб, менга: «Унинг устида ўтиргин», дедилар. Сўнгра Ҳасан (*алайҳис салом*) келди. Ул зот унга: «Онанг билан бирга ўтиргин», дедилар. Сўнгра Ҳусайн (*алайҳис салом*) келди. У зот унга: «Улар билан бирга ўтиргин», дедилар. Кейин эса Али (*алайҳис салом*) келдилар. Ул ҳазрат унга: «Сен ҳам улар билан бирга ўтиргин», дедилар. Сўнгра ул ҳазрат кийимнинг атрофини тутиб, бизнинг устимизга ташладилар-да: «Эй Аллоҳим, булар мендан ва мен ҳам буларданман! Эй Аллоҳим, мен улардан рози бўлганимдек, Сен ҳам улардан рози бўлгин», деб марҳамат қилдилар».

**Манба:** Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий, «*Далоилул-имомах*», 68-бет, 5-ҳадис; Абу Бакр Ҳайсамий, «*Мажмаъуз-завоид*», 9-жилд, 169-бет; Аҳмад ибн Ҳанбал, «*Ал-Муснад*», 5-жилд, 96-бет ва Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул маваддаҳ*», 1-жилд, 259-бет.

### 36. Қуръон ва Итрат Пайғамбаримизнинг охириги сўзларида таъкидлаб айтилгани ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (*саломуллоҳу алайҳо*) айтадилар:



عَنْ فَاطِمَةَ الرَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: سَمِعْتُ أَبِي رَسُولَ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) فِي مَرَضِهِ الَّتِي فُيْضَ فِيهِ يَقُولُ، وَقَدْ امْتَلَأَتِ الْحُجْرَةُ مِنْ أَصْحَابِهِ: أَيُّهَا النَّاسُ يُوشِكُ أَنْ أَقْبِضَ قَبْضًا يَسِيرًا، وَقَدْ قَدَّمْتُ إِلَيْكُمْ الْقَوْلَ مَعْدِرَةً إِلَيْكُمْ، أَلَا إِنِّي مُخَلِّفٌ فِيكُمْ كِتَابَ رَبِّي عَزَّوَجَلَّ وَعِزَّتِي أَهْلَ بَيْتِي. ثُمَّ أَخَذَ بِيَدِ عَلِيٍّ فَقَالَ: هَذَا عَلِيٌّ مَعَ الْقُرْآنِ، وَالْقُرْآنُ مَعَ عَلِيٍّ لَا يَفْتَرِقَانِ حَتَّى يَرِدَا عَلَيَّ الْحَوْضَ، فَأَسْتَلُّكُمْ مَا تَخْلُقُونِي فِيهِمَا.

«Мен отам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан оламдан ўтишларига сабаб бўлган беморлик чоғларида ва уйлари саҳобалар билан тўла бўлган бир пайтда шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим: «Эй одамлар, мен сизларнинг орангиздан осонликча олинишимга [кетишимга] яқин қолди ва шубҳасиз, узр-баҳонага барҳам берадиган сўзни сизларга тақдим этдим. Огоҳ бўлингизким, мен сизларнинг орангизда Парвардигорим аzza ва жалланинг Китобини-Қуръонни ва итратим-Аҳли-Байтимни қолдириб кетмоқдаман». Сўнгра Алининг қўлидан тутиб: «Бу Али Қуръон билан биргадир ва Қуръон ҳам Али билан биргадир. Бу иккаласи Кавсар ҳовузи ёнида менга кириб келмагунича зинҳор бир-биридан ажралмас. Мен қиёмат куни мендан кейин бу иккиси билан қандай муносабатда бўлганингиз ҳақида сизлардан сўрайман», деб марҳамат қилдилар».

**Манба:** Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 1-жилд, 124-бет, 56-ҳадис; Шайх Тусий, «Ал-Амолий», 2-жилд, 92-бет.

### 37. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг сирли кулишлари ҳақида

Сарвари оламнинг завжалари Оиша шундай ривоят қилади:

«لَمَّا مَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) دَعَا ابْنَتَهُ فَاطِمَةَ فَسَارَّهَا، فَبَكَتْ، ثُمَّ سَارَّهَا فَضَحِكَتْ، فَسَأَلَتْهَا عَنْ ذَلِكَ، فَقَالَتْ: أَمَا حِينَ بَكَيتُ فَإِنَّهُ أَحْبَبَنِي أَنَّهُ مَيِّتٌ، فَبَكَيتُ، ثُمَّ أَحْبَبَنِي أَيُّ أَوْلِ أَهْلِهِ حُقُوقًا بِهِ فَضَحِكْتُ.»

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бемор бўлганларида, қизлари Фотимани ҳузурларига чақириб, қулогига бир сўзларни айтдилар. Шунда Фотима (саломуллоҳу алайҳо) йиғладилар. Сўнгра Расулуллоҳ яна қулогига айрим сўзларни дедилар. Шунда Фотима (саломуллоҳу алайҳо) кулдилар.»

Оиша айтади: Мен ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)дан бу ҳақда сўрадим. У ҳазрат шундай деб жавоб бердилар: «Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва

олиҳи васаллам) менга ўлимлари ҳақида хабар берганларида, йиглаб юбордим. Кейин ул зотнинг оиласидан биринчи бўлиб мен у ҳазратнинг орқаларидан етиб боришимни айтганларида, мен кулиб юбордим».

### **38. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг икки халифадан қилган шикоятлари ва норизоликлари ҳақида**

Сақифаи Бани Соида деган жойда саҳобалардан Абу Бакр халифалиги учун мажбуран байъат-қасамёд олингач, Абу Бакрнинг буйруғи билан Бани Ҳошим ва Аҳли-Байтдан ҳам мажбурий тарзда байъат олиш учун Умар ва унинг одамлари қўлларида машъал олов тутган ҳолда мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг уйларига келишди. Шунда эшикнинг олдида ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо) чиқишларига қарамай, Умар эшикни ёқиб юбориб ул ҳазратга зарба берди ва шунингдек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) томонларидан нури дийдалари ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо)га берилган Фадак боғини ҳам Аҳли-Байтдан тортиб олишди. Тарихда айтилган аччиқ ҳақиқатга кўра, Умар Фадак боғи мижаросида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг нури дийдалари Фотима (саломуллоҳу алайҳо)га қўл кўтариб қаттиқ зарба ҳам берди.

Ушбу оғир мусибатларни кўрган ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) қаттиқ хасталаниб қолдилар. Шунда сиёсий макру-ҳийла юзасидан ул ҳазратни беморлик чоғларида кўришга келган Абу Бакр ва Умардан юз ўгириб, бошқа томонга қарадилар-да, у иккисининг саломига жавоб ҳам бермай, шундай дедилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) لِلْأَوْلِيَيْنِ: أَرَأَيْتُكُمَا إِنْ حَدَّثْتُكُمَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ): تَعْرِفَانِهِ وَتَفْعَلَانِ بِهِ؟ قَالَا نَعَمْ. فَقَالَتْ: نَشَدْتُكُمَا اللَّهُ أُمَّ تَسْمَعَا رَسُولَ اللَّهِ يَقُولُ: «رِضَا فَاطِمَةَ مِنْ رِضَايَ، وَسَخَطُ فَاطِمَةَ مِنْ سَخَطِي، فَمَنْ أَحَبَّ فَاطِمَةَ ابْنَتِي فَقَدْ أَحَبَّنِي، وَمَنْ أَرْضَى فَاطِمَةَ فَقَدْ أَرْضَانِي، وَمَنْ أَسَخَطَ فَاطِمَةَ فَقَدْ أَسَخَطَنِي»؟ قَالَا نَعَمْ، سَمِعْنَاهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ)، فَقَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): فَإِنِّي أَشْهَدُ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ أَنَّكُمَا أَسَخَطْتُمَانِي وَمَا أَرْضَيْتُمَانِي وَلَئِن لَّقِيتُ النَّبِيَّ لِأَشْكُونَكُمَا إِلَيْهِ.

«Агар мен сиз иккалангизга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан бир ҳадис келтирсам, уни таниб унга амал қиласизми? Улар: «Ҳа», деб жавоб қайтаришди. Шунда ул ҳазрат: «Сиз иккалангизга Аллоҳни эслатиб қасамёд этиб айтаманки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг: «Фотиманинг

розилиги менинг розилигимдандир ва Фотиманинг газаби эса менинг газабимдандир. Демак, кимки, қизим Фотимани дўст тутса, дарҳақиқат, мени дўст тутган бўлур. Фотимани рози қилган киши ҳақиқатан, мени рози қилган бўлур ва Фотимани газаблантирган киши эса дарҳақиқат, мени газаблантирган бўлур», - деб айтганларини эшитмаганмисиз?», дедилар. Улар: «Ҳа, биз бу ҳадисни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан эшитганмиз», дейишди. Шунда ул ҳазрат: «Аллоҳни ва Унинг фаришталарини гувоҳ қилиб айтаманки, сиз икковингиз мени газаблантирдингиз ва мени рози қилмадингиз. Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан учрашганимда, албатта, сизлардан у зотга шикоят қилгайман», дедилар».

Сўнгра ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) сўзларини давом эттириб Абу Бакрга шундай дейдилар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): وَاللَّهِ! لَا كَلَمْتُكَ أَبَدًا، وَاللَّهِ! لَأَدْعُوَنَّ اللَّهَ عَلَيْكَ فِي كُلِّ صَلَاةٍ.

«Аллоҳга қасамки, энди мен сен билан ҳеч қачон гапирмайман! Аллоҳга қасамки, ҳар бир намозда сени Аллоҳнинг даргоҳида қаргайман».

**Манба:** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», «Китобу фазоили асҳобин-Набийй, бобу маноқиби қиробати Расулиллааҳ», 3714-ҳадис ва «Бобу маноқиби Фотима (саломуллоҳи алайҳо)» 3767-ҳадис. Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож, Ал-Қушайрий, Ал-Нисобурий, «Саҳиҳи Муслим», «Китобу фазоилус-саҳобаҳ, бобу фазоили Фотима бинтин-Набийй», 6201 ва 6202-ҳадислар; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 28-жилд, 303-бет.

### **39. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг қарғишлари ҳақида**

Мўминлар амири ва такволилар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг уйларига бостириб кириб, ул ҳазратни Масжидун-Набиййга олиб келгач, тўпланган кўп халойиқнинг кўз ўнгида иккинчи халифа Умар ибн Хаттоб таҳдид билан Али (алайҳис салом)ни Абу Бакрга байъат қилишга мажбурлади.

Бу вақт ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) Абу Бақрга юзланиб дедилар:

*«Эй Абу Бақр, умр йўлдошимни мендан олмоқчимисан? Аллоҳга қасамки, агар ундан қўл тортмасанг, мен сочларимни ёйиб ва ёқамни йиртиб, отам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қабрлари ёнига бораман-да, у ерда сени қаргайман».*

Бу сўзлардан сўнг, ул ҳазрат имом Ҳасан ва имом Ҳусайн (алайҳимас салом)ларнинг қўлларидан тутиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг покиза қабрлари томон йўл олдилар.

Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) ҳазрати Салмони Форсий (разияллоҳу анҳу)га юзланиб дедилар:

*«Эй Салмон, бориб Фотимани қайтаринг, гўё Мадина шаҳрини ларзага келаётган ҳолда кўрмоқдаман. Аллоҳга қасамки, агар Фотима сочларини ёйиб ва ёқасини йиртиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қабрлари ёнида нола ва қарғиш қилса, Мадина аҳли учун муҳлат берилмай, ер уларнинг ҳаммасини ютиб юбориб ҳалок қилади».*

Шак-шубҳасиз, ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ушбу сўзлари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг поклиги ва маъсумлигидан ҳосил бўлган ул зотнинг юксак валийлик мартабаларидан дарак беради. Ҳазрати Салмони Форсий ҳам ул зотга нисбатан Мадина аҳлидан кўра юқорироқ маърифатга эга бўлгани учун тезлик билан ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) олдиларга етиб келиб, оламлар учун илоҳий раҳмат бўлган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ном ва хотираларини ул зотга айтиб, уйларига қайтишларини ва қарғишдан воз кечишларини сўради. Аммо у зотнинг ўта қатъиятли ва жиддий эканларини кўргач, Салмони Форсий шундай деди:

*«Мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) мени юбориб, сизга: «Эй Фотима, уйга қайтинг, нола ва қарғишдан сақланинг», деб айтишни менга буюрдилар».*

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг номлари ва юборган хабарларини эшитишлари биланок, Масжидга боришдан тўхтаб:

«إِذَا أَرْجَعُ، أَصْبِرُ وَأَسْمَعُ لَهُ وَأُطِيعُ»؛

«Агар Имом мени уйга қайтарар эканлар, мен сабр қиламан ва ул зотга қулоқ солиб итоат қиламан», дедилар.

**Манба:** Аҳмад ибн Аби Яъқуб, Яъқубий номи билан танилган, «Тарихул Яъқубий», 2-жилд, Айёми Аби Бақр, 116-бет; Ал-Файз Кошоний, «Ал-Вофий», 2-жилд, 187-бет; Шайх Муфид, «Ал-Ихтисос», 181-бет ва шунингдек, «Тафсири Айёший Самарқандий», 2-жилд, 66-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг ўзлари бу борада иккинчи халифа Умар ибн Хаттобга қарата шундай дедилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): وَاللَّهِ يَا بْنَ الْخَطَّابِ لَوْلَا أَنِّي أَكْرَهُ أَنْ يُصِيبَ الْبَلَاءُ مَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ، لَعَلِمْتَ أَنِّي سَأَفْسِمُ عَلَى اللَّهِ ثُمَّ أَجِدُهُ سَرِيعَ الْإِجَابَةِ.

«Аллоҳга қасамки, эй Хаттобнинг ўгли, агар бало ва азоб гуноҳи бўлмаганларга тушишидан қўрқмаганимда эди, Аллоҳга қасамд қилиб қаргаганимни, сўнгра Аллоҳ таоло менинг дуоимни тезлик-ла ижобат қилганини кўрардинг».

**Манба:** Сикатул Ислом Кулайний, «Усули Кофий», 1-жилд, 460-бет. Шайх Аббос Қуммий, «Байтул Аҳзон» китоби, 104-бет. Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 28-жилд, 250-бет, 30-ҳадис.

Ҳазрати Фотима Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) оталари Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни қўлдан берганлик қайғусида тутган мотамлари ҳақида шундай ривоят қилинган:

Ҳазрати Фотима Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) оталарининг қабридан бир ховуч тупроқ олдилар-да, уни муборак кўзларига суриб ушбу байтларни ўқидилар:

مَاذَا عَلَى مَنْ شِمُّ تُرْبَةِ أَحْمَدَ

أَنْ لَا يَشِمَّ مَدَى الرِّمَانِ غَوَالِيَا

صَبَّتْ عَلَيَّ مَصَائِبُ لَوْ أَنَّهَا

صَبَّتْ عَلَيَّ الْأَيَّامِ صِرْنَ لَيَالِيَا

«Аҳмад [Пайгамбар (с.а.в)] тупрогини ҳидлаган одамга бутун умри давомида бошқа хушбўй атирларни ҳидлашга нима ҳожат қолур?

[Отам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг] бошимга шундай мусибатлар тушдики, агар ўша мусибатлар кунларнинг бошига тушса эди, кунлар тунларга айланарди».

**Манба:** Шаҳид Соний Зайниддин ибн Али, «Масканул Фуод ўнда фақдил аҳиббати вал-авлод» китоби, 112-бет.

Айрим ривоятларда биринчи мисрадаги «مَا ذَا عَلَيَّ» «Маа заа Алаа» ибораси ўрнига «حَقِيقٌ عَلَيَّ» «Ҳақийқун Алаа» ибораси келган бўлиб, у ҳолда шеърнинг маъноси шундай бўлади:

«Аҳмад тупрогини ҳидлаган одам бутун умри давомида бошқа хушбўй атирларни ҳидламасликка ҳақлидир».

**Манба:** Фаттол Нишобурий Муҳаммад бин Аҳмад, «Равза ал-Воъизийн ва Басийра ал-Муттаъизийн», 1-жилд, 75-бет, Разий нашриёти, Қум, биринчи нашр, 1375-ҳижрий йил.

#### 40. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг муҳожир ва ансор саҳобаларга айтган сўзлари

Аксари саҳобалар ғафлат юзасидан Абу Бакрга байъат-қасамёд қилганларидан сўнг, ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) бу ишга норозилик ва эътироз билдирадилар. Ушбу воқеа-ҳодисани нақл қилган Сувайд ибн Ғофлаҳ бу борада айтади:

قَالَ سُوَيْدُ بْنُ غَفَلَةَ: فَاعَادَتِ النَّسَاءُ قَوْلَهَا (عَلَيْهَا السَّلَامُ) عَلَيَّ رِجَالَهُنَّ فَجَاءَ إِلَيْهَا قَوْمٌ مِنْ وُجُوهِ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ مُعْتَذِرِينَ وَقَالُوا: يَا سَيِّدَةَ النَّسَاءِ لَوْ كَانَ أَبُو الْحَسَنِ ذَكَرَ لَنَا هَذَا الْأَمْرَ مِنْ قَبْلِ أَنْ نُزِمَ الْعَهْدُ، وَتُحْكَمَ الْعَقْدُ، لَمَّا عَدَلْنَا عَنْهُ إِلَى غَيْرِهِ.

Муҳожир ва ансорларнинг аёллари Сарвари олам Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қизларининг алангали сўзларини эрларига айтиб беришгач, бир гуруҳ муҳожир ва ансорлар ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг ҳузурларига узр сўраган ҳолда келиб, шундай дедилар:

«Эй аёлларнинг сарвари, агар Абул Ҳасан Али (алайҳис салом) биз аҳд-паймон тузишимиздан ва бошқасига байъат қилишимиздан олдин, ўзига байъат қилишга чақирганида эди, биз зинҳор уни қўйиб, бошқасига юзланмаган бўлардик».

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) гуноҳдан ҳам оғирроқ ва ёмонроқ бўлган уларнинг бу узр-баҳонасидан қаттиқ ранжиб шундай дедилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): إِلَيْكُمْ عَيِّي، فَلَا عُذْرَ بَعْدَ تَعْذِيرِكُمْ، وَلَا أَمْرَ بَعْدَ تَقْصِيرِكُمْ، هَلْ تَرَكَ أَبِي يَوْمَ غَدِيرِ حُمِّ لِأَحَدٍ عُذْرًا.

«Мендан узоқлашинг. Энди ёлгон узр-баҳоналар келтиришингиздан сўнг ҳеч бир узр-баҳонага ўрин йўқдир ва сизларнинг сустлигингиздан кейин бирор буйруқ ва фармонга ўрин қолмагай. Отам «Ғадийр Хум» кунинда бирор кимсага узр-баҳона қолдирдиларми?»

**Манба:** Шайх Садуқ, «Ал-Хисол», 1-жилд, 173-бет; Абу Мансур Аҳмад ибн Али Ат-Табарсий, «Ал-Ихтижааж», 1-жилд, 109 ва 149-бетлар.

Яна ул ҳазрат ўз сўзларида бу борада шундай деб марҳамат қилганлар:

قَالَتْ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): فَمَا جَعَلَ اللَّهُ لِأَحَدٍ بَعْدَ غَدِيرِ حُمِّ مِنْ حُجَّةٍ وَلَا عُذْرٍ

«Аллоҳ таоло Ғадийр Хумдан кейин ҳеч кимга узру баҳона қолдирмаган».

**Манба:** Муҳаммад Даштий, «Наҳжул Ҳаёт», 42-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) саҳобаларга ҳазрати Алининг Расулуллоҳ вафотларидан сўнг тутган йўллари тўғри ва тайинланган илоҳий вазифа эканлигини уқтириб шундай марҳамат қиладилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): مَا صَنَعَ أَبُو الْحَسَنِ إِلَّا مَا كَانَ يَنْبَغِي لَهُ، وَلَقَدْ صَنَعُوا مَا اللَّهُ حَسِبُهُمْ وَطَالِبُهُمْ.

«Абул Ҳасан Али [Расулуллоҳни дафн этиш ва байъат масаласига оид] ўзининг илоҳий бурчи ва сазовор бўлган ишнигина бажарди, холос ва бошқалар эса шундай иш қилдиларки, Аллоҳ таоло уларни ҳисоб-китоб қилиб жазолагайдир.»

**Манба:** Ибн Қутайбах, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 30-бет; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 28-жилд, 355-бет, 69-ҳадис.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) барча саҳобалар ва мусулмонларга ҳидоят йўлини кўрсатиб, шундай марҳамат қиладилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): أَمَا وَاللَّهِ، لَوْ تَرَكُوا الْحَقَّ عَلَىٰ أَهْلِهِ وَاتَّبَعُوا عِتْرَةَ نَبِيِّهِ، لَمَا اخْتَلَفَ فِي اللَّهِ اثْنَانِ، وَ لَوْ رِثَهَا سَلَفٌ عَنْ سَلَفٍ، وَخَلَفٌ بَعْدَ خَلْفٍ، حَتَّىٰ يَأْتِيَهُمُ الْقَائِمُنَا، التَّاسِعُ مِنْ وُلْدِ الْحُسَيْنِ (عَلَيْهِ السَّلَامُ).

«Огоҳ бўлингиз, Аллоҳга қасамки, агар улар ҳақни, яъни халифалик ва пешволикни ўз аҳлига топшириб, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аҳли-Байтларига эргашганларида эди, ҳатто икки киши Аллоҳ таоло ва дин ҳақида ихтилофга бормас эди ҳамда халифалик ва имоматлик мақомини эгаллашда солиҳ ва лойиқ кишилар бир-бирларига ворис бўлар эдилар ва ниҳоят, Ҳусайн (а.с)нинг тўққизинчи авлоди бўлмиш бизнинг Қоимимиз-Имом Маҳдий (ажжалаллоҳу таоло фаражаҳуш-шариф) оёққа туриб раҳнамолик ва йўлбошчилик қилган бўлар эди».

**Манба:** Ибн Бобавайҳ ал-Қуммий, «Ал-имомату ват-табсироҳ», 1-бет; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 36-жилд, 353-бет, 224-ҳадис.

Сарвари олам Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг мусулмонлар орасида юзага келган катта оғишнинг сабаби бу – ул зотнинг кўрсатган йўлларидадан адашиш ва Аллоҳнинг сўнгги каломи бўлмиш Қуръони Карим таълимотларидан узоқлашиш эканини чуқур англаб етган ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) саҳобалар ва мусулмонларга ҳидоят йўлини кўрсатиб шундай марҳамат қиладилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): وَأَيُّ تُوْفِكُونَ؟ وَكِتَابُ اللَّهِ بَيْنَ أَظْهُرِكُمْ، أُمُورُهُ ظَاهِرَةٌ، وَأَحْكَامُهُ زَاهِرَةٌ، وَأَعْلَامُهُ بَاهِرَةٌ، وَرَوَاجِرُهُ لَا نِحَةَ، وَأَوَامِرُهُ وَاصِحَةٌ، وَقَدْ خَلَفْتُمُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِكُمْ، أَرْغَبَةٌ عَنْهُ تُرِيدُونَ أَمْ بَغَيْرِهِ تَحْكُمُونَ؟! ﴿يُنْسِنُ لِلظَّالِمِينَ بَدَلًا﴾.



«Қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?! Аллоҳнинг Китоби [Қуръон] сизларнинг орангизда бўлиб, унинг кўрсатмалари аниқ-равшан, унинг ҳукмлари ошкора, унинг белги-нишонлари ёрқин, унинг таъқиқлари очиқ-ойдин ва буйруқлари эса ошкордир. Бироқ сизлар уни орқаларингизга улоқтирдиларингиз! Ундан юз ўғирдиларингизми? Ёки сиз Қуръондан бошқаси ила ҳукм қилурсизми?! У [Қуръон ўрнига танлаб олган нарсангиз] золимлар учун нақадар ёмон ўринбосардир (Каҳф сураси, 50-оят)»

**Манба:** Абу Мансур Аҳмад ибн Али Ат-Табарсий, «Ал-Иҳтижааж», 1-жилд, 97 ва 108-бетлар ва Нажаф чопида 131 ва 145-бетлар; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 29-жилд, 225-бет, 8-ҳадис.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ўзларининг юқоридаги ҳидоят сари етакловчи сўзлари билан гўё оталари Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ушбу нуроний ва ҳаётбахш сўзларини саҳобаларга эслатмоқчи бўлдилар:

«إِذَا التَّبَسَّتْ عَلَيْكُمْ الْفِتْنُ كَقِطْعِ اللَّيْلِ الْمُظْلِمِ فَعَلَيْكُمْ بِالْقُرْآنِ، فَمَنْ جَعَلَهُ أَمَامَهُ قَادَهُ إِلَى الْجَنَّةِ، وَمَنْ تَرَكَهُ خَلَفَهُ سَاقَةٌ إِلَى

النَّارِ»

«Қачонки фитналар қоронғу тун парчаларидек устингизга босиб келса, шунда Қуръонни маҳкам тутинг. Кимки, Қуръонни олдига қўйса, [яъни кўрсатмаларига амал қилиб яшаса,] Қуръон уни жаннат сари етаклайди ва кимда-ким Қуръонни ортда қолдирса, [яъни Қуръоннинг таълимот ва кўрсатмаларидан юз ўгириб яшаса,] уни дўзахга олиб боради».

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ғафлат уйқусига чўмган саҳобалар ва мусулмонларни ғафлат уйқусидан уйғотиб, уларни залолат ва оғиш йўлидан қайтариб ва ҳидоят йўлини кўрсатиш мақсадида уларга: «Қуръонни тарк қилманглар, Қуръоннинг буйруқлари ва таъқиқлари аниқ-равшан бўлиб, Қуръоннинг Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейин халифалик масаласи хусусида кўрсатган йўл-йўриқлари очиқ-ойдиндир. Қуръон Карим Сарвари оламнинг вафотларидан кейинги вазият учун керакли башоратларни айтиб, ҳеч бир нарсани ноаниқ ҳолда қолдирмаган», деб фарёд этадилар.

Халифалик мансабини эгаллаб олган шахслар томонидан Фадак боғи ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)дан тортиб олингач, ул ҳазрат бу можародан ва мажбурий байъат-қасамёд қилдириш учун уйларига бостириб келишларидан норозилик билдирганларидан кейин айрим муҳожир ва ансорларнинг бир гуруҳ аёллари ул ҳазратнинг уйларига аҳволларидан хабар олиш учун келиб:

كَيْفَ أَصْبَحْتَ يَا بِنْتَ رَسُولِ اللَّهِ؟

«Қандай тонг оттирдингиз, эй Расулulloҳнинг қизи?», деб ҳол-аҳвол сўрашганида, ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) уларга жавобан шундай дедилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): أَصْبَحْتُ وَاللَّهِ عَائِفَةً لِدُنْيَاكُمْ، قَالِيَةً لِرِجَالِكُمْ.

«Аллоҳга қасамки, мен сизнинг дунёингиздан юз ўгирувчи, эркакларингиздан нафратланувчи ҳолда тонг оттирдим!».

**Манба:** Шайх Садуқ, «Маъониюл ахбор», 354 ва 355-бетлар, 1-ҳадис; Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий, «Далоилул-имомаҳ», 128-бет, 38-ҳадис; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 73-жилд, 15-бет, 2-ҳадис ва шунингдек, 43-жилд, 159-бет, 9-ҳадис.

Абу Амр айтади: Мен ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)ни Мадина шаҳрининг четида жойлашган амакилари ҳазрати Ҳамза (алайҳис салом)нинг қабрлари устида нола қилиб йиғлаётган ҳолда кўрдим. Шунда мен ул ҳазратдан: «Нимага бунча йиғлайсиз?» деб сўрадим. Ул зот менга жавобан: «Мен оталарнинг энг яхшиси бўлмиш Расулulloҳни қўлдан бериш мусибатига дучор бўлганман! Нақадар Расулulloҳ дийдорларига муштоқман», дедилар.

Мен яна ул ҳазратдан: «Эй сарварим, мен сиздан фикримда айланиб турган бир масала ҳақида сўрамоқчиман», дедим. Ул ҳазрат: «Сўра», дедилар. Мен: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотларидан олдин Али (алайҳис салом)нинг имом ва пешво эканлигини очиқ-ойдин айтганларми?», деб сўрадим. Шунда ул ҳазрат: «Ажабо! Фадийр Хум кунини унутдиларингми?», дедилар. Мен: «Албатта, унутганим йўқ, бу нарса шубҳасиз, амалга ошган. Лекин эй сарварим, нимага ҳазрати Али (алайҳис салом) имомат ва пешволик ҳақларидан воз кечдилар?», деб сўрадим.

Шунда ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) менга қарата шундай дедилар: Эй Абу Амр, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу борада шундай деб марҳамат қилганлар:

مَثَلُ الْإِمَامِ مَثَلُ الْكَعْبَةِ إِذْ تُؤْتَى وَلَا تَأْتِي

«Имом бамисоли Каъба кабидир. Зеро, инсонлар унинг ёнига борадилар ва у эса ҳеч кимнинг олдига бормас.»

**Манба:** Аллома Мажлисӣ, «Биҳорул Анвор», 36-жилд, 353-бет, 224-ҳадис.

Юқоридаги ҳадиси шариф бизнинг замонимизга ҳам тегишлидир. Зеро, замонимизнинг илоҳий пешвоси ва раҳнамоси бўлмиш Имом Маҳдий (ажжалаллоҳу таоло фаражаҳуш-шариф) ҳам худди Каъбага ўхшайдилар. Биз ул ҳазратнинг ёрдамларига шошилишимиз ва тайёр бўлишимиз керак, ул ҳазрат бизнинг ёнимизга келишлари керак эмас.

#### **41. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг ҳазрати Али (алайҳис салом)га қилган васиятлари ҳақида**

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг бир неча оғзаки васиятлари бор бўлиб, у зот уларни мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)га айтганлар ва буларнинг барчаси ҳадис китобларида ёзиб қолдирилган. Ул ҳазратнинг бундан ташқари ёзиб қолдирган васиятлари ҳам бор. Биз ҳар иккала қисм васиятларни шу ерда келтирамиз. Ушбу васият ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ҳаётларининг сўнгги соатларида мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)га турли иборалар билан баён этилган.

Биз бу ерда ушбу нуроний васиятнинг асосий қисмларини ҳаммамиз учун ҳидоят маёғи бўлади деган мақсадда эътиборингизга тақдим этамиз.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ҳазрати Али (алайҳис салом)га васият қилиб айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): يَا أَبَا الْحَسَنِ! إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) عَهْدَ إِلَيَّ وَحَدَّثَنِي أَنِّي أَوَّلُ أَهْلِهِ حُوقًا بِهِ وَلَا بُدَّ مِنْهُ، فَاصْبِرْ لِأَمْرِ اللَّهِ تَعَالَى وَارْضَ بِقَضَائِهِ.

«Эй Абул Ҳасан, шубҳасиз, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) мен билан аҳд-паймон қилиб, мен у зот хонадонидан биринчи бўлиб у зотнинг

кетидан етиб боришимни менга айтдилар ва бундан ўзга чора йўқдир. Демак, сиз Аллоҳ таолонинг амр-фармонига сабр қилинг ҳамда Унинг қазо-ҳукми ва тақдиридан рози бўлинг.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Бихорул Анвор», 43-жилд, 201-бет, 30-ҳадис.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) умрларининг сўнгги дамларида умр йўлдошлари ҳазрати Али (алайҳис салом)га шундай деб васият қилдилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزُّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): أَوْصِيكَ أَوْلَا أَنْ تَتَزَوَّجَ بَعْدِي أَمَامَةَ بِنْتِ أُخْتِي زَيْنَبَ، فَإِنَّمَا تَكُونُ لِوَلَدِي مِثْلِي، فَإِنَّ الرِّجَالَ لَا بُدَّ لَهُمْ مِنَ النِّسَاءِ.

«Авалло сизга васиятим шуки, менадан кейин опам Зайнабнинг қизи Амомага ўйланинг. Зеро, у болаларимга нисбатан менинг ўзимдек [жонкуяр ва меҳрибон]дир. Чунки, ҳар ҳолда эркаклар учун аёллар бўлиши керак.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Бихорул Анвор», 28-жилд, 304-бет ва шунингдек, 43-жилд, 192-бет, 20-ҳадис; Шайх Садуқ, «Илалуш-шаройиъ», 188-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) баракотли умрларининг сўнгги кунларида Асмо бинти Умайсга васият қилиб дедилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزُّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): إِنِّي قَدْ اسْتَقْبَحْتُ مَا يُصْنَعُ بِالنِّسَاءِ، إِنَّهُ يُطْرَحُ عَلَى الْمَرْأَةِ التُّوبُ فَيَصِفُهَا لِمَنْ رَأَى، فَلَا تَحْمِلْنِي عَلَى سِرِّيرِ ظَاهِرٍ، أُشْرِينِي، سَتَرَكَ اللَّهُ مِنَ النَّارِ.

«Мен аёлларнинг жасадлари устига ўлгандан кейин бир мато ташлаб олиб чиқишларини хунук ва номаъқул деб биламан. Зеро, уни кўрганлар танасининг ҳажмини бошқаларга айтиб берадилар. Мени атрофи очик тобудда кўтариб кетманглар! Мени ёнгин, [эй Асмо,] Аллоҳ таоло сени дўзах оловидан сақласин.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Бихорул Анвор», 43-жилд, 189-бет, 19-ҳадис; Шайх Садуқ, «Илалуш-шаройиъ», 188-бет; Али ибн Ййсо Ирбилиий, «Каишфул ғуммаҳ фий маърифатил аиммаҳ», 1-жилд, 474 ва 475-бетлар.

Яна ул ҳазрат умрларининг сўнгги дамларида умр йўлдошлари ҳазрати Али (алайҳис салом)га васият қилиб айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): إِذَا أَنَا مِتُّ فَتَوَلَّ أَنْتَ عُسْلِي وَ جَهَّزِي وَصَلِّ عَلَيَّ وَأَنْزِلِي قَبْرِي وَأَحْدِي وَسَوِّ الثَّرَابَ عَلَيَّ وَاجْلِسْ عِنْدَ رَأْسِي قِبَالَه وَجْهِي فَأَكْتَبْ مِنْ تِلَاوَةِ الْقُرْآنِ وَالِدُعَاءِ فَإِنَّمَا سَاعَةٌ يَحْتَأَجُ الْمَيِّتُ فِيهَا إِلَى أَنْسِ الْأَحْيَاءِ وَأَنَا أَسْتَوْدِعُكَ اللَّهُ تَعَالَى وَأَوْصِيكَ فِي وُلْدِي خَيْرًا؛

«Мен оламдан кўз юмгач, сиз ўзингиз менга гусл бериб, мени кафанланг ва менга жаноза намозини ўқинг ва мени қабрга тушириб, лаҳад ичига қўйинг, тупроқни қабрим устига ториб, уни текис қилиб қўйинг. Сўнгра бошим олдида юзим томонга қараб ўтиринг ва кўп Куръон тиловат қилиб, дуо ўқинг. Зеро, бундай дамларда ўлган киши тириклар билан улфатлашиш ва алоқада бўлишга эҳтиёж сезади. Мен сизни Аллоҳ таолога топшираман ва сизга фарзандларим борасида яхшилик қилишни тавсия этаман.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 79-жилд, 27-бет ва шунингдек, 82-жилд, 27-бет, 13-ҳадис; Сайид Ҳошим Баҳроний, «Мадийнутул Маъажиз», 3-жилд, 430-бет; Забийҳуллоҳ Маҳаллотий, «Райоҳинуш-Шариъаҳ» китоби, 1-жилд, 312-жилд.

Олтинчи илоҳий пешвоимиз Имом Жаъфар Содиқ *(алайҳис салом)* ривоят қилиб айтадилар: Ҳазрати Фотимаи Заҳро *(саломуллоҳу алайҳо)* умрларининг сўнги дамларида ҳазрати Али *(алайҳис салом)* га шундай деб марҳамат қилдилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الرَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): إِذَا تَوَفَّيْتُ لَا تُعْلِمُ إِلَّا أُمَّ سَلَمَةَ وَأُمَّ أَيْمَنَ وَفِضَّةَ وَ مِنَ الرِّجَالِ ابْنِي وَالْعَبَّاسَ وَسَلْمَانَ وَعَمَّارًا وَالْمُقَدَّادَ وَ أَبَا ذَرٍّ وَحَدَيْفَةَ وَلَا تُدْفِنِي إِلَّا لَيْلًا وَلَا تُعْلِمُ قَبْرِي أَحَدًا؛

«Мен вафот этганимда, ҳеч кимга бу борада хабар берманг, фақат аёллардан Умму Салмани, Умму Айманни ва Физзани ва эркаклардан эса икки фарзандим Ҳасан ва Ҳусайн *(алайҳимас салом)* ларни, Аббосни, Салмонни, Амморни, Миқдодни, Абу Зарни ва Ҳузайфанигина бу ҳодисадан хабардор қилинг. Мени фақат тундагина дафн этинг ва қабримни ҳеч кимга маълум қилманг.»

Ҳазрати Фотимаи Заҳро *(саломуллоҳу алайҳо)* қабрларини ҳеч кимга маълум қилмасликни ва бу ҳолат ҳақиқатни излаганлар учун ҳидоят чироғи бўлиши учун ҳар доим у зотнинг қабри махфий ва сир бўлиб қолишини истаганлар.

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 78-жилд, 310-бет; Муҳаммад бин Жарир ат-Табарий, «Далоилул-имомаҳ», 44-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ҳаётларининг сўнгги соатларида мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)га шундай васият қиладилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): يَا أَبَا الْحَسَنِ لَمْ يَنْقُ لِي إِلَّا رَمَقٌ مِنَ الْحَيَاةِ وَحَانَ زَمَانُ الرَّجِيلِ وَالْوِدَاعُ فَاسْتَمِعْ كَلَامِي فَإِنَّكَ لَا تَسْمَعُ بَعْدَ ذَلِكَ صَوْتِ فَاطِمَةَ أَبَدًا أَوْ صِيكَ يَا أَبَا الْحَسَنِ أَنْ لَا تَنْسَانِي وَتُزَوِّرَنِي بَعْدَ مَمَاتِي؛

«Эй Абул Ҳасан Али, мен учун ҳаётимдан фақат озгина лаҳзалар қолди, холос ва дунёдан ўтиш ва видолашиш вақти етиб келди. Демак, менинг сўзларимни эшитинг. Зероки, бундан кейин ҳеч вақт Фотиманинг товушини эшитмайсиз. Эй Абул Ҳасан, мени унутмаслигингни ва вафотимдан сўнг доим қабримга келиб мени зиёрат қилишингни сизга васият қиламан.»

**Манба:** Шайх Махдий Ҳоирӣ Мозандаронӣ, «Ал-Кавкабуд-дурриййу фий аҳваалин-Набиййи вал-Батули вал-Васий», 1-жилд, 253-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айрим тоифадаги шахсларнинг тутган йўли нотўғри ва гумроҳлик йўли бўлганидан қаттиқ ранжиб, мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)га улар менинг жаноза намозимга келмасинлар, деб васият қиладилар ва уларнинг ноҳўя ишларини тилга олиб айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): لَا تُصَلِّي عَلَيَّ أُمَّةٌ نَقَضَتْ عَهْدَ اللَّهِ وَعَهْدَ أَبِي رَسُولِ اللَّهِ فِي أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ عَلِيٍّ، وَظَلَمُوا لِي حَقِّي، وَأَخَذُوا إِرْثِي، وَخَرَفُوا صَحِيفَتِي الَّتِي كَتَبَهَا لِي أَبِي بِمَلِكِ فَذَكَ.

«Мўминлар амири Али (алайҳис салом) ҳақидаги Аллоҳ таолонинг аҳд-паймонини ва отам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг аҳд-паймонини бузган ва менинг ҳаққимга зулм қилиб, меросимни тортиб олган ҳамда отам менга Фадакнинг эгалиги ҳақида ёзган мактубни йиртиб ташлаган тоифадаги кишилар менга жаноза намозини ўқимасинлар.»

**Манба:** Шайх Аббос Қуммӣ, «Байтул Аҳзон» китоби, 113-бет; Али ибн Ийсо Ирбилӣ, «Каифул ғуммаҳ фий маърифатил аиммаҳ», 2-жилд, 494-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг сўзлари ҳаётларининг сўнгги лаҳзаларида мазлум умр йўлдошлари ҳазрати Али (алайҳис салом) билан шу ерда

тугади. Ул ҳазрат шаҳодатайн калимасини айтиш билан бу дунёдан кўзларини абадий юмиб, оталари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳузурларига боқий диёр сари йўл олдилар. Шу пайт мўминлар амири ва тақволилар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом) уйларининг гирд-теварагига бир назар солдилар. Шунда у зотнинг кўзлари завжаларидан ёдгорлик қолган бир ҳамёнга тушди. Уни очиб қарасалар, ҳазрати Фотима бир мактуб ёзиб шундай васият қилган эканлар:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ. هَذَا مَا أَوْصَتْ بِهِ فَاطِمَةُ بِنْتُ رَسُولِ اللَّهِ، أَوْصَتْ وَهِيَ تَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ وَأَنَّ الْجَنَّةَ حَقٌّ وَالنَّارَ حَقٌّ وَأَنَّ السَّاعَةَ آتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيهَا وَأَنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ مَنْ فِي الْقُبُورِ، يَا عَلِيُّ أَنَا فَاطِمَةُ بِنْتُ مُحَمَّدٍ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) زَوْجِي اللَّهُ مِنْكَ لِأَكُونَ لَكَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، أَنْتَ أَوْلَى بِي مِنْ غَيْرِي، حَبْطِي وَعَسَلِي وَكَفَيْي بِاللَّيْلِ وَصَلِّ عَلَيَّ وَادْفِنِي بِاللَّيْلِ وَلَا تُعَلِّمْ أَحَدًا وَأَسْتَوْدِعُكَ اللَّهُ وَأَقْرَأُ عَلَيَّ وَوَلَدِي السَّلَامَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ؛

«Бисмиллааҳир Роҳмаанир Роҳийм. Бу Расулуллоҳнинг қизлари Фотима қилган васиятдир. У васият қилиб, шу ҳақда гувоҳлик берадики, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир. Жаннат ҳақ ва дўзах ҳақдир. Ва қиёмат куни албатта, келади, бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқдир. Аллоҳ таоло қабрдагиларни тирилтириб [Маҳшарга олиб келади]. Эй Али, Мен Муҳаммаднинг қизи Фотимаман. Бу дунё ва охираатда сизники бўлишим учун Аллоҳ таоло мени сизга никоҳлаб берди. Сиз менга ҳаммадан кўра лойиқроқсиз. Мени кечаси ҳанут қўйиб, гусл бериб кафанланг ва кеч пайти менга жаноза намози ўқиб, кечаси мени дафн этинг ва ҳеч кимга хабар берманг. Сизни Аллоҳга топшираман ва фарзандларимга қиёмат кунигача салому-дуруд йўллайман.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 43-жилд, 214-бет ва шунингдек, 100-жилд, 185-бет ва 78-жилд, 390-бет.

## 42. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) га салом ва салавоту-дуруд айтиш ҳақида

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳа) бу борада айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): مَنْ سَلَّمَ عَلَيَّ أَوْ عَلَيَّ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ أَوْجَبَ اللَّهُ لَهُ الْجَنَّةَ، قُلْتُ لَهَا: فِي حَيَاتِهِ وَحَيَاتِكَ؟  
قَالَتْ: نَعَمْ وَيَعْدُ مَوْتَنَا.

«Ким отам Расулуллоҳга ва менга уч кун салом берса, Аллоҳ таоло унга жаннатни вожиб қилади. Ровий айтади: Мен у зотга: «Бу салом бериш Пайгамбарнинг ҳаётлик чоғларида ва сизнинг ҳаётлик чоғингиздами?», деб сўрадим. Ул ҳазрат дедилар: Ҳа, Бизнинг тириклик чоғимизда ва вафотимиздан кейин ҳам Бизга салом берса, ушбу ажр-мукофот унга ато этилади.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Бихорул Анвор», 43-жилд, 185-бет, 17-ҳадис.

Яна ул ҳазрат бу борада шундай марҳамат қиладилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): قَالَ لِي أَبِي وَهُوَ ذَا حَيٍّ: مَنْ سَلَّمَ عَلَيَّ وَعَلَيْكَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فَلَهُ الْجَنَّةُ.

«Отам ҳаётлик чоғларида менга дедилар: Ким менга ва сенга уч кун давомида салом берса, унга жаннат вожиб бўлур.»

**Манба:** Ибн Мағозилий, «Ал-Маноқиб», 363-бет.

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) марҳамат қилиб айтадилар:

عَنْ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ) يَا فَاطِمَةُ مَنْ صَلَّى عَلَيَّ غَفَرَ اللَّهُ لَهُ وَأَحَقَّهُ بِي حَيْثُ كُنْتُ مِنَ الْجَنَّةِ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга: «Эй Фотима, кимда-ким сенга дуруду-саловот айтса, Аллоҳ таоло уни магфират қилади ва уни менга жаннатнинг қаерида бўлсам ҳам етказди», деб марҳамат қилдилар.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Бихорул Анвор», 97-жилд, 194-бет, 10-ҳадис.

### **43. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг қиёмат кунинда шафоат қилишлари ҳақида**

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) айтадилар:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ (عَلَيْهَا السَّلَامُ): إِذَا حُشِرْتُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، أَشْفَعُ عَصَاةَ أُمَّةِ النَّبِيِّ (صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ)

«Мен қиёмат кунинда қайта тирилганимда, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) умматининг гуноҳкорларига шафоат қиламан.»



**Манба:** Қозий Нуруллоҳ Тустарий, «Иҳқоқул ҳақ ва изҳоқул ботил», 19-жилд, 129-бет.

Бир кун ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) оталари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дан шундай деб сўрадилар:

يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ بَنَاتِ النَّاسِ يَتَرَوْنَ بِالْأَعْيُنِ مَا لَيْسَ لهنَّ بِشَيْءٍ مِنْهُنَّ؟ أَسْأَلُكَ أَنْ تُزِدَّهَا وَتَدْعُوا اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَ مَهْرِي الشَّفَاعَةَ فِي عَصَاةِ أُمَّتِكَ

«Эй Аллоҳнинг Расули, дарҳақиқат, одамларнинг қизлари дирҳамлар [пул-моллар] билан маҳр белгилаб никоҳланадилар. Бас, мен билан улар ўртасидаги фарқ нима?! Мен сиздан дирҳам-у динорларни менга маҳр этиб тайинлашдан воз кечишингизни ва Аллоҳ таолодан умматингиз гуноҳкорлари учун шафоат қилишимни менинг маҳрим этиб тайинлашини сўрашингизни истайман.»

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) оталаридан умматнинг гуноҳкорлари учун шафоат қилишни Аллоҳ таолодан сўрашларини истаганларида;

فَنَزَلَ جِبْرَائِيلُ وَمَعَهُ بَطَاقَةٌ مِنْ حَرِيرٍ مَكْتُوبٌ فِيهَا: جَعَلَ اللَّهُ مَهْرَ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) شَفَاعَةَ الْمَذْنِبِينَ مِنْ أُمَّةِ أَبِيهَا. فَلَمَّا احْتَضَرَتْ، أَوْصَتْ بِأَنْ تَوْضِعَ تِلْكَ الْبَطَاقَةَ عَلَى صَدْرِهَا تَحْتَ الْكِفَنِ فَوَضَعَتْ، وَقَالَتْ: إِذَا حَشَرْتُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ رَفَعْتَ تِلْكَ الْبَطَاقَةَ بِيَدِي وَشَفَعْتَ فِي عَصَاةِ أُمَّةِ أَبِي.

«Шунда Жаброил (алайҳис салом) бир ипак мато билан ерга тушди. Унда шундай ёзилган эди: Аллоҳ таоло Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо)нинг маҳрини отасининг умматидан бўлган гуноҳкорларга шафоат қилмоқлик этиб тайинлади. Ул ҳазратнинг оламдан ўтиши вақти яқинлашганида, ўша ипак матони кафан остида кўкраклари устига қўйишни васият қилдилар ва айтганларидек қўйилди. Ва ул ҳазрат бу борада: «Қачонки мен қиёмат кунда қайта тирилсам, ўша ипак матони қўлимда кўтариб чиқаман ва отам умматининг гуноҳкорларига шафоат қиламан», деб марҳамат қилдилар».

**Манба:** Қозий Нуруллоҳ Тустарий, «Иҳқоқул ҳақ ва изҳоқул ботил», 10-жилд, 367-бет.

Сарвари оламнинг нури дийдалари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) Ислом умматининг гуноҳкорларига шафоат қилишдек юқори мақому мартабага етишган бўлсалар-да, бироқ бу умматдан рози эмасдилар, балки уларнинг қилмишидан Аллоҳ таолога арз қилиб шундай деганлар:

اللَّهُمَّ إِنَّكَ نَشْكُو فَقَدْ نَبَيْكَ وَرَسُولَكَ وَصَفِيكَ، وَإِرْتِدَادَ أُمَّتِهِ عَلَيْنَا، وَمَنْعَهُمْ إِيَّانَا حَقَّنَا الَّذِي جَعَلْتَهُ لَنَا فِي كِتَابِكَ الْمُنْزَلِ عَلَيَّ نَبِيِّكَ الْمُرْسَلِ.

«Эй Аллоҳим, биз Сенинг Пайгамбаринг, Расулинг ва танланган кишингни қўлдан бериш қайғусидан ва у зотнинг уммати биз Аҳли-Байтдан юз ўгирганидан ҳамда Ўз пайгамбарингга нозил қилган Китобингда-Қуръонда Сен бизга тайин этган ҳақ-ҳуқуқимизни биздан олиб қўйишиганидан Сенгагина шикоят қилурмиз.»

**Манба:** Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 53-жилд, 18 ва 19-бетлар.

#### 44. Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) наздиларидаги «Лавҳ» ҳадисида имомларнинг номлари зикр этилганлиги хақида

حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ الْحُسَيْنِ بْنِ شَادَوَيْهِ الْمُؤَدَّبُ وَ أَحْمَدُ بْنُ هَارُونَ الْقَاضِي رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَا حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرِ الْحَمِيرِيِّ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَعْفَرِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ مَالِكِ الْفَزَارِيِّ الْكُوفِيِّ عَنْ مَالِكِ السَّلُولِيِّ عَنْ دُرُسْتِ بْنِ عَبْدِ الْحَمِيدِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْقَاسِمِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَبَلَةَ عَنْ أَبِي السَّفَاتِجِ عَنْ جَابِرِ الْجُعْفِيِّ عَنْ أَبِي جَعْفَرِ مُحَمَّدِ بْنِ عَلِيِّ الْبَاقِرِ (عَلَيْهِ السَّلَامُ) عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى مَوْلَاتِي فَاطِمَةَ (عَلَيْهَا السَّلَامُ) وَ قَدَامَهَا لَوْحٌ يَكَادُ ضَوْؤُهُ يَغْشَى الْأَبْصَارَ فِيهِ اثْنَا عَشَرَ اسْمًا ثَلَاثَةٌ فِي ظَاهِرِهِ وَ ثَلَاثَةٌ فِي بَاطِنِهِ وَ ثَلَاثَةٌ اسْمَاءٌ فِي آخِرِهِ وَ ثَلَاثَةٌ اسْمَاءٌ فِي طَرَفِهِ فَعَدَدْتُهَا فَإِذَا هِيَ اثْنَا عَشَرَ اسْمًا فَقُلْتُ اسْمَاءٌ مَن هَؤُلَاءِ قَالَتْ هَذِهِ اسْمَاءُ الْأَوْصِيَاءِ أَوْهُمْ ابْنُ عَمِّي وَ أَحَدَ عَشَرَ مِنْ وُلْدِي آخِرُهُمُ الْقَائِمُ صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ قَالَ جَابِرٌ فَرَأَيْتُ فِيهَا مُحَمَّدًا مُحَمَّدًا مُحَمَّدًا فِي ثَلَاثَةِ مَوَاضِعَ وَ عَلِيًّا وَ عَلِيًّا وَ عَلِيًّا وَ عَلِيًّا فِي أَرْبَعَةِ مَوَاضِعَ.

Жобир Жўъфий Имом Муҳаммад Боқир (алайҳис салом)дан ва у ҳазрат Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорийдан ривоят қиладилар. Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий деди:

«Мен сарварим Фотимаи Заҳро (саломуллоҳу алайҳо) ҳузурларига кирдим, у зотнинг олдида кўзни қамаштирувчи бир лавҳа бор эди ва унда ўн икки исм бор бўлиб, уч исм унинг юзасида ва уч исм унинг орқасида ва уч исм унинг

охирида ва уч исм четида бор эди. Мен уларни санадим, ўн икки исм эди. Мен: «Булар кимнинг исмлари?», дедим. У зот: «Булар Расулуллоҳ ворисларининг исмлари бўлиб, уларнинг биринчиси менинг амаки ўғлим ва қолган ўн бир нафар эса менинг фарзандларимдандир. Уларнинг охиргиси Қоим – Ҳақиқат ва Адолатни Барпо Этувчидир, уларнинг ҳаммасига Аллоҳнинг саловату-дуруди бўлсин.»

Жобир айтади: «Мен ўша лавҳада Муҳаммад исмини уч жойда ва Али исмини эса тўрт жойда кўрдим.»

Юқоридаги Лавҳ номли ҳадиси шарифда Сарвари олам Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳақиқий ворислари бўлган ўн икки имомдан уч кишининг исми Муҳаммад ва тўрт кишининг исми эса Али эканлигига ишорадир.

**Манба:** Шайх Садуқ, «Камолуддин ва тамомуннеъмаҳ», 1-жилд, 311-бет; Шайх Садуқ, «Уюну ахборир-Ризо (а.с)», 1-жилд, 46-бет, 5-ҳадис; Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 36-жилд, 201-бет, 4-ҳадис.

**NAJOTKEMASI.NET – Xalqaro Islomiy Axborot va Tadqiqot Markazida tayyorlandi.**